



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
11-fevral
chorshanba
№ 6 (1484)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

МУЛОҚОТ

МАҚСАД ЭЗГУ БЎЛСА, МУРОД ҲОСИЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, “Олий Даражали Имом Бухорий”
ордени соҳиби шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР ҳазратлари билан суҳбат

— Ассалому алайкум, ҳурматли муфтий ҳазратлари! Аввало, яқинлашиб келаётган улуғ Рамазон ойи муборак бўлсин. Маънавий поклик, меҳроқибат, хайр-саховат фазилатлари билан умримизни безайдиган, ҳаётимиз сайқалланадиган ушбу ойнинг аҳамияти бекиёс. Суҳбатимиз бошида шулар ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Аввало, яқинлашиб келаётган Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин. Орзиқиб қутилган ушбу муборак ойга эсон-омон етказгани учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаман. У Зот бу ойни маънавий уйғонишга, қалбларимиз пок-ланнишига ва ҳаётимизни ислоҳ қилишга сабабчи айласин.

Маълумки, Рамазони шариф ойи яхшиликлар мавсуми ҳисобланади. Бундай улуғ фурсатдан ҳар биримиз унумли фойдаланиб қолишимиз лозим. Суюкли Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойида яхшиликларга юзланиб, ёмонликлардан тўхташга чақирганлар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Рамазон ойининг биринчи кечаси бўлса, шайтонлар ва ўз-бошимча жинлар кишанланади, дўзах эшиклари ёпилади, уларнинг бирортаси очилмайди. Жаннат эшиклари очилади, уларнинг бирортаси ёпилмайди. Бир

нидо қилувчи: “Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!” деб нидо қилади. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган бандалари бўлади. Ҳар кеча шундай бўлади”, дедилар”. Имом Табаронийнинг ривоятига: “Рамазон чиқиб кетганича шундай бўлади”, дейилган (Имом Термизий ривояти).

Яна бошқа бир ҳадиси шарифда бу муборак ойни ғанимат билишга чақириб, бундай марҳамат қилганлар: “У (Рамазон) мўмин учун ғаниматдир” (Имом Байҳақий ривояти).

Ўтган улуғларимиз ушбу ҳадиси шарифга мувофиқ бир-бирларини бу ойдан унумли фойдаланиб қолишга чорлаганлар.

Дарҳақиқат, бу ой Қуръон, қут-барака, раҳмат, мағфират, Аллоҳ таолога бандликни изҳор қилиш, жаннатга эришиш ва дўзахдан озод бўлиш фурсатидир. Шу боис бутун дунё мўмин-мусулмонлари бу табаррук ойни солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги йўлидаги ибодатлар ойига айлантиришади. Ҳақ таоло ушбу муборак ойнинг фазилатларидан барчамизни баҳраманд қилсин.

Рамазон ойида ҳар бир киши қалбини поклаши, нафсини жиповлаши ва маънавий оламни бойитиши зарур. Ўзаро ҳусумат ва гиналарни йўқотиш, қўни-қўшнлар ва қавму қариндошлар орасида ёрдамга муҳтожларга мурувват кўрсатиш, қариндошларга силаи раҳм қилиш, беморларни зиёрат қилиш, етимлар бо-



шини силаш, кексалар ва ногиронлиги бор инсонлар ҳолидан хабар олиш каби савобли ишларга шошилиши, ўз навбатида, бировнинг дилига озор етказиш, ҳақига тажовуз қилиш каби гуноҳлардан тийилиши лозим.

Рўза инсон қалбидига раҳм-шафқат туйғуларини юксалтиради. Рўза тутган киши ихтиёрий равишда очлик ва чанқоқликка сабр қилиб, нафс истаклари ҳамда дунёвий лаззатлардан вақтинча тийилиш орқали жамиятдаги муҳтож, бева-бечора ва камбағал инсонлар ҳолатини чуқурроқ ҳис этади ҳамда уларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлади. Шу боис саховатли ватандошларимиз ушбу муборак ойда хайрия ва

эзгу амалларни янада кўпайтирсалар, юртимизда эҳтиёжмандлар сони қисқариб, ҳар бир хонадонда шодлик ва қувонч муҳити қарор топишига замин яратилади.

— Халқимиз маърузаларингизни жон қулоғи билан тинглайди. Чиқишларингизда одамлар учун айни керак бўлиб турган долзарб масалалар — ота-онага эҳтиром, оила муносабатлари, жумладан, маърака-маросимлари ихчам ўтказишни тарғиб этиб келасиз. Ижозат берсангиз, шу мавзуга тўхталсак...

— Дарҳақиқат, инсон ҳар доим илм олишга ва маънавий эслатмаларга эҳтиёж сезади. Чунки ижтимоий иллатлар жамиятни аста-секин заифлаштириб боради. Уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

Юртимизда тўй ва маросимларни ўтказишда ортиқча дабдаба, асоссиз харажатлар ва исрофгарчиликни камайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йил октябрь ойида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида “Маромийлик” лойиҳаси имзоланди.

2-6

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиши билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бу йил Бобур таваллудига 543 йил тўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда буюк тарихий шахслар меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва ижодий меросини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, бобуршунослик фанини янги босқичга олиб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан қабул қилинган қарор ва фармойишларда ўз ифодасини топмоқда.

Бобур подшоҳ меросини нафақат миллий, балки халқаро илмий майдонга олиб чиқишга хизмат қилиш йўлида Бобур номли халқаро жамоат фонди, мана, 30 йилдан ошибдики, бобуршунослик фанининг етакчи тарғиботчиларидан бири сифатида фаолият юритиб келмоқда.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ
ТАДҚИҚИ ВА ТАРҒИБИ:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ЁНДАШУВ

Фонд ташаббуси билан Бобур Мирзо сиймосини абадийлаштириш ва уни муносиб эътироф этиш мақсадида 2025 йил 14 февраль куни буюк ватандошимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари таваллудига бағишлаб “Бобуршуносликнинг янги уфқлари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро анжуман ташкил этилган бўлиб, анжуман доирасида бир қатор бобуршунослик олимлари ва адибларнинг соҳага доир маърузалари тингланб, Бобур ва Бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига доир 2024 йил давомида эълон қилинган янги нашрлар тақдиротлари ҳам бўлиб ўтган эди.

Ғурур ва фахр билан таъкидлаш жоизки, шоҳ ва шоир Бобур ҳазратларининг орзулари, курашлари ва ғалабалари биз учун бебаҳо илҳом манбаи, жасорат ва илм тимолидир. Андижон давлат университетидида сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Бобур Шер ўғли томонидан Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги буюртмасига биноан ёзувчи Хайриддин Султоннинг “Йўлбарснинг туғилиши” номли ҳикояси асосида Жамоат хавфсизлиги университети билан ҳамкорликда суратга олинган қисқа метражли тарихий-бадиий фильмнинг анжуман доирасидаги намоиши бо-

буршунослик олимлари ҳамда университет талабалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Намойишдан сўнг Бобур ва унинг даври ҳақидаги илмий маълумотлар ва тарихий воқеаликлар борасида мутахассис олимларнинг фикрлари тингланди. “Бобур ойлиги” муносабати билан Ёшлар иттифоқи Андижон вилоят кенгаши, вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Бобур номидаги халқаро жамоат фондида “Бобур ҳаёти ва ижоди” мавзусида илмий-амалий учрашув ташкил этилди.

3-6

ҲАМИД СУЛАЙМОН КЎРГАН ТУШ

“Халқ душмани” тамғаси билан
25 йил қамоққа ҳукм қилинган
ўзбек олимнинг азобли кечган умр
саҳифаларидан ҳикоя

6-6

ТАДҚИҚОТ

БОБУРШУНОСЛИК ИЛМИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

МУҲАММАД ҲАЙДАР МИРЗО
ҚАЙСИ ХАЛҚ ТАРИХЧИСИ?

Айрим буюк зотларнинг илмдаги қисмати жуда ажойиб бўлади. Бобур Андижонда туғилиб ўсган. Аммо бобуршунослик, гарчи Ўзбекистонда XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида узил-кесил шаклланган бўлса-да, ўзга минтақаларда, айниқса, Ғарб мамлакатларида XVII-XIX асрларда ривожланган.

Бобурнинг бўласи — ҳолаваҷчаси, таниқли ўрта аср тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар мирзо Аёзий ҳозирги Тожикистон Республикасининг Ўратепа (Истаравшан) шаҳрида дунёга келган. Ҳаётининг ўн тўққиз йили Уйғуристонда, ўн саккиз йили эса Ҳиндистонда ўтган. Ҳозир у “Қозоқ тарихшунослигининг Геродоти” деб эътироф этилади (Абдусат-

тор Дербисали, филология фанлари доктори, профессор). Қозоғистон Республикасида Муҳаммад Ҳайдар мирзо номидаги университет (Тароз шаҳрида), кўчалар ва мактаблар мавжуд. Тароз шаҳрида Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳаёти ва ижодини ўрганиш маркази фаолият кўрсатади. Қозоғистонда Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳақида юзга яқин монография ва рисоалар, мингга яқин илмий мақолалар ёзилган. Бу ҳолатлар Бобур ва Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг бахти ва саодатидир.

Улуғ зотларни бошқа бир халқ олимлари улуғлаб, улар ҳақида китоблар ёзар экан, тан олиб, ўзлаштирар экан, бунинг нимаси ёмон?

3-6

МАҚСАД ЭЗГУ БЎЛСА, МУРОД ҲОСИЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени соҳиби шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР ҳазратлари билан суҳбат

1-6

Мазкур лойиҳа доирасида тўй ва маросимларда ортиқча ҳаражатларни қисқартириш, оилаларни қарздорликдан асраш, камтаринлик ва маънавий тарбияни кучайтириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилди. Шу йўналишда Диний идора томонидан имом-хатиблар иштирокida маҳаллаларда, таълим муассасаларида суҳбатлар ва маърифий учрашувлар ташкил этилди, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда чиқишлар амалга оширилди.

Тарғибот ишларида асосий эътибор тўй ва маъракаларда меҳмонлар сонини меъёрлаштириш, исрофгарчиликка олиб келувчи ортиқча безак ва хизматлардан воз кечиш масалаларига қаратилмоқда. Зеро, “Маромилик” лойиҳаси нафақат иқтисодий тежамкорлиқни, балки маънавий юксалиш ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашни ҳам мақсад қилган муҳим ташаббус ҳисобланади. Мазкур тарғибот ишлари фаолиятимизнинг узвий ва доимий қисми бўлиб қолмоқда.

— Ҳозирга келиб муаммога айланган иллатлар аслида яхши ниятлар ила бошланган бўлади. Масалан, никоҳни тўй орқали маълум қилишга қиришиб, динимиз тарғиб қилган ишни бажарамиз, деган ниятда бўламиз. Аммо, айтганингиздек, меъёрни унутамиз. Оқибатда исроф ва дабдабага йўл қўямиз. Шундай эмасми, муфтий ҳазратлари?

— Ҳа, тўғри айтдингиз, никоҳни эълон қилиш ислом динининг муҳим кўрсатмаларидан бири ҳисобланади. Никоҳ исломда муқаддас тушункалардан бўлиб, инсоннинг ҳалол йўл билан оила қуриши ибодат саналади. Ҳанафий мазҳабининг йирик улоқларидан Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Одам алайҳиссаломдан қимматбағча ибодат ҳисобланиб, жаннатда ҳам давом этадиган икки амал бор: биринчиси — йимон, иккинчиси — никоҳ”.

Тўй қилишдан асосий мақсад — ким билан кимнинг эр-хотин бўлганини жамоатчиликка маълум қилишдир. Шунингдек, тўй маросимлари қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, узоқ вақт қуришмаган инсонларни дийдор қўриштиришга хизмат қилади. Агар мазкур маросимлар асл мақсаддан четга чиқмасдан, ортиқча ҳаражатларсиз, меъёрида ташкил этилса, қўзланган натижага эришилади, иншооллоҳ.

Афсуски, кейинги пайтларда тўй ва тантаналарни ўтказишда меъёр бузилиб, исрофгарчилик, кимўзарга қиришиш ҳамда шуҳратпарастлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ҳолбуки, оилаларнинг барқарорлиги моддий фаровонлик билангина таъминланмайди. Аксинча, маънавий ва руҳий омилларга етарлича эътибор берилса, қуд-андачилик муносабатларида дунёқараш ва эътиқод уйғун бўлса, мазкур муаммолар ўз-ўзидан бартараф этилади.

Бу борада асрлар давомида мусулмонлар учун ибрат бўлиб келаётган Ҳазрати Али ва Ҳазрати Фотима розияллоху анхуларнинг никоҳ тўйлари ёрқин намуна ҳисобланади. Манбаларда қайд этилишича, уларнинг тўй маросимлари жуда камтарона ўтган. Ҳазрати Али розияллоху анхунинг амакиси Ҳамза розияллоху анху томонидан бир қўй сўйилиб, ихчам зиёфат берилган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қизлари Фотима розияллоху анҳо ва жиянлари Ҳазрати Али розияллоху анхунинг никоҳ тўйлари ана шундай содда ва ибратли тарзда ўтган. Зеро, шариатга мувофиқ, баракали тўй сарф-ҳаражатлари энгил бўлган тўйдир. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Энг баракали ни-

коҳ — ҳаражати энгил бўлгандир”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Аллоҳ таоло Қуръони каримда исрофдан қайтаради: “Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас” (Аъроф сураси, 31-оят).

Ҳадиси шарифда бу ҳақда бундай дейилган: Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Енглар, садақ қилинглар, ичинглар ва кийинглар, исроф ва мутақаббирлик бўлмаса бўлди”, дедилар” (Имом Насоий ривояти).

Исрофнинг катта-кичиги бўлмайди. Олимлардан бири қосага ёпишган таом қолдиқларини тозаламаслиқни исроф, деган эди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: агар қосага ёпишган, бизнинг назаримизда жуда ҳам эътиборсиз туюлган шу озгина неъматнинг ўзи исроф ҳисобланса, унда қундалик ҳаёtimизда безъетиборлик билан соғураётган қанчадан-қанча неъматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

— Бугунга келиб эса, айрим бўлажак келинлар куёвлардан махр учун қимматбаҳо автоуловлар ёки дангиллама уй-қўйлар талаб қилиши, баъзи куёвларнинг қиз томонига қўйётган талабларини эшитган одам ҳайрон қолади. Махр ўзи нима? Унинг меъёри, уни талаб қилиш ёки ундан воз кечиш тартиблари ҳақида билиб олсак...

— Ислом динида махр никоҳ шартидан эрининг аёлга бериши вожиб бўлган ҳақ ҳисобланади. Махр берилаётганда куёв томонидан чин қалбдан тўхфа қилиниши талаб этилади ва у келиннинг шахсий мулкига айланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: “Аёлларга махрларини хушнудлик билан беринг” (Нисо сураси, 4-оят).

Демак, махр бериш эрининг зиммасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳатто келин ва куёв ўзаро келишиб, “иккимиз ҳам розимиз, бу ҳукмига амал қилмай қўйверамиз”, десалар ҳам бўлмайди. Агар билимсизлик ёки бошқа сабабларга қўра махр белгиланмаган ҳолда никоҳ ўқитилган бўлса ҳам, кейин барибир махр берилиши керак. Мабоодо, эр махр беришдан олдин вафот этса, унинг меросхўрлари махрни адо этишлари лозим.

Шариатда махрнинг энг кам миқдори нисоб миқдорининг йигирмадан бирига тенг, деб белгиланган. Масалан, ўтган йилги нисоб миқдори 61 миллион 200 минг сўм этиб белгиланган бўлса, шунинг йигирмадан бири махрнинг энг оз миқдори бўлади. Ҳар йил нисоб миқдори ўзгариши билан махрнинг энг кам миқдори ҳам мос равишда ўзгаради.

Махрнинг кўлига чегара қўйилмаган. Бироқ бу ҳолат махрни ҳаддан зиёд оширишга қақриқ сифатида талқин қилинмайди. Аксинча, ислом дини никоҳни осонлаштиришга, уни кераксиз ва ортиқча шартлар билан қийинлаштирмасликка тарғиб этади. Махрни мақтанish, бошқалар билан солиштириш ёки уни никоҳни кечиктириш воситасига айлантириш дуруст эмас.

Аёлга бериладиган махр уни никоҳига олаётган эрининг зиммасига вожиб бўлади. Аммо эрининг номидан унинг яқинлари никоҳ ақидида айtilган махрни адо қилсалар ҳам, махр ўрнига ўтади.

Айрим жойларда қизнинг ота-онаси оладиган “қалин пули” каби маблағлар махр ҳисобланмайди. Шунингдек, умра ёки ҳажга олиб бориш ҳам махр ўрнига ўтмайди. Чунки махр миқдори аниқ, мулк кўринишида бўлиши керак.

Куёв келин томонига ёки келин куёв томонига асоссиз талаблар қўйиш, ортиқча сарф-ҳаражатлар ёки мажбурий одатларни юқлаш уятли иш ҳисобланади. Чунки никоҳ савдо ёки мусобақа эмас, балки икки ёшнинг ҳалол, масъулиятли ва баракали ҳаётга қадам қўйишидир. Ортиқча талаблар турли низо ва келишмовчиликларга сабаб бўлади.

Шу боис никоҳ масаласида меъёр, ихлос ва тақвони асос қилиб олиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун энг тўғри йўл ҳисобланади.

— Аллоҳ илминигизни янада зиёда қилсин, ҳазрат. Ўқувчиларимизга жуда керакли маълумотларни баён қилиб бердингиз. Энди яна бир масалага тўхталиб ўтсак: жаноза ва шу каби маросимларда азадорларни қийнаб қўядиган ҳолатлар ҳам тез-тез кузатилади. Хусусан, ҳайит кунлари таъзия билдиришга бориш қузатилади. Айрим жойларда “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “йил”, пайшанбалик, яқшанбалик каби маросимлар ҳа-нузгача бор. Улар динимизда қанчалик асосга эга?

— Жаноза ва унга боғлиқ маросимлар Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳамда ишончли диний манбаларда келтирилган тартиб-қоидалар асосида адо этилиши лозим. Далили мавжуд бўлмаган ҳолда азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русумларни урф-одат ёки мажбуриятга айлантириш бидъат ҳисобланади.

Шариатимизда марҳумларнинг руҳига савоб бағишлаш мақсадида эҳсон қилиш бор. Бу эҳсон маросими “вазима” деб аталади. Ушбу маросимни муайян кунда қилиш шарт эмас. Шундан келиб чиқиб, вафот этган инсоннинг воёга етган фарзандларидан бири ўз мулкидан, муайян санага берамаса, риёкорлик ва дабдабасиз, ҳолис ният ила эҳсон қилиши жоиз. Бу орқали қилинган солиҳ амалларнинг савоби марҳумга етиб бориши умид қилинади. Зеро, Аҳли сунна вал жамоа таълимотида кўра, солиҳ амаллар савобини вафот этган инсонларга бағишлаш жоиз ҳисобланади. Бироқ мазаҳабимизга оид фатво китобларига қўра, “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “йил” каби муайян кунларга боғлаб маъракалар ўтказиш дуруст эмас. Ушбу масала юзасидан фатволар ҳам чиқарганмиз.

Ҳайит кунлари эса қувонч, шукр ва биродарлик айёмлари саналади. Шу боис бу кунларда таъзия қабул қилиш ёки таъзия билдиришга бориш суннатга мувофиқ эмас. Бундай ишлар ҳайит байрамнинг маъно-мазмунига зид бўлиб, мотам кайфиятини давом эттиришга сабаб бўлади. Ҳайит байрами кунларини қувонч, шукроналик, дуо ва эзгу ниятлар билан ўтказиш мақсадаги мувофиқдир.

— Ташаккур, муфтий ҳазрат! Фойдали ва мазмунли илмлардан баҳраманд этдингиз. Энди халқимиз ва нашримиз ўқувчиларига ўз дуо, тилакларингизни билдирсангиз, дилларимиз янада қароғон бўлар эди.

— Абу Зарр Ғифорий розияллоху анхундан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: “Биродарингнинг юзига табассум билан қарашинг садақадир, яхшиликка буюришинг садақадир, ёмонликдан қайтаришинг садақадир, йўлдан адашган кишини тўғри йўлга солиб қўйишинг садақадир, кўзи ожиз кишига ёрдам беришинг садақадир, йўл устиди ётган тош, тикан ёки суякни олиб ташлашинг садақадир, челагингдagi сувдан биродарингнинг челагига қўйиб беришинг садақадир” (Имом Термизий ривояти).

Мен барча юртдошларимиз ва бутун дунё мўмин-мусулмонлари ушбу ҳадис мазмунига мувофиқ ҳаёт кечирishларини тилаймиз. Зеро, мазкур ҳадисда зикр қилинган кўрсатмаларга амал қилинса, жамиятда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамдўстлик, ҳамжихатлик, бағрикенглик ва эзгу фазилатлар мустаҳкамланган.

Аллоҳ таоло ушбу эзгу ниятларимиз амалга ошишига муваффақ этсин.

Суҳбатни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа СА.ИИМОВА ёзиб олди.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЮШМА РАҲБАРИ ФАҲРИЙЛАРНИ ЙЎҚЛАДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Сирдарёда бўлиб, кўп йиллар ОАВ соҳасида меҳнат қилган ва айни чоғда кексалик гаштини сураётган фахрий журналистларни йўқлади. Уюшманинг вилоят бўлими раиси Бойжигит Абдуллаев, “Нуроний” жамғармаси Сирдарё бўлими раиси ўринбосари Рустам Бектемиров, вилоят муҳаррирлар кенгаши раиси Мунаввар Пардаев ҳамроҳлигида раҳбар дастлаб Мирзаобод тумани марказида истикомат қилувчи фахрий журналист Тошпўлат Ҳайитбоев хонадониди бўлди.

Бир пиёла чай устиди кечган суҳбатда айни кундаги ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган материаллар, уларнинг ёшларга салбий таъсири, блогерлик фаолияти, медиа соҳада, умуман, Янги Ўзбекистонимизда, Сирдарёда бўлаётган ўзгариш ва янгила-нишлар, аҳоли учун яратилаётган қулай-ликлар ҳақида сўз борди.

70 ёшни қарши олган Тошпўлат Ҳайитбоев кўп йиллар турли оммавий ахборот воситаларида масъул лавозимларда ишлаган. Шунингдек, у республикада нашр этиладиган “Маҳалла” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири бўлган.

— Биз ишлаган давр билан ҳозирги кунни солиштириб бўлмайди, — деди Тошпўлат Ҳайитбоев. — Президентимиз томонидан соҳамизга қаратилаётган эътибордан қувонаман. Очиклик сиёсати, сўз эркинлигига шароит яратиб берилди. Журналистга яна нима керак? Яйраб ёзадиган кунлар келди, қани энди ёш бўлиб қолсам!

Кейинги манзил — Гулистон шаҳар “Баҳор” маҳалласида яшовчи фахрий журналист Турғун Норқулов хонадони бўлди. Турғун Норқулов 76 ёшни қарши олаётган бўлса-да, иккундан тўхтамаган. Яқинда унинг “Умр бекатлари” китоби тақдими ўтказилди. Фахрийларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Нуроний” жамғармаси Сирдарё вилоят бўлимининг совғалари топширилди.

“МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ — ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИСИ”

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, Абдулла Қодирий номидаги вилоят Ахборот-кутубхона маркази, Навоий вилояти педагогик маҳорат маркази ҳамкорлигида “Маҳмудхўжа Беҳбудий — истиқлол фидойиси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда вилоят педагогик маҳорат маркази мутахассислари ва тингловчилари, китобхонлар, ёшлар иштирок этди. Кечани Ахборот-кутубхона маркази директори Дўстмурод Холиқулов очиб берди ва Беҳбудийнинг адабий мероси, янги усулдаги мактаблар фаолиятини ташкил этиш, дарсликлар ёзиш, кутубхона очиш каби ижтимоий фаолият ва мустақил фикрлашга чақирадиган ғоялари ҳақида сўз юритди.

Тадбир давомида сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси Дилором Сарматова Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг уй-музейи, ундан ўрин олган ноёб тарихий ашёлар, 1913 йилдан чиқа бошлаган “Самарқанд” газетасида “Ойина” журналы тарихи, Самарқанд матботи тароққиёти учун олиб борган ишлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

4-6

ЊУҚТАИ НАЗАР

ЯХШИ ТАРБИЯ

ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлиги меваси

Жамият тараққиёти, аввало, баркамол авлод тарбиясига боғлиқ. Баркамол шахсни шакллантиришда эса оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Айниқса, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ҳамжиҳатлик боланинг таълим-тарбияси жараёнида ҳал қилувчи кучга айланади.

Бола ҳаётининг асосий қисми уй ва мактаб саҳнасида ўтади. Агар бу икки муҳитда талаб ва муносабатлар ўзаро мувофиқ бўлса, бола ўзини бахтли, хотиржам, қизиқишлари қўллаб-қувватланган ҳис қилади. Ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги самарали ҳамкорлик боланинг ўқишга бўлган қизиқишини оширади, қобилиятини аниқлаш ва ривожлантиришда катта ютуққа эришилади, интизом ва масъулиятини шакллантиради, муаммоларни эрта аниқлаб, бартараф этишга ёрдам беради.

Аввало, ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлигининг тарихий жиҳатларига тўхталсак. Қадимдан устозга бўлган ҳурмат, айниқса, халқимизда юксак қадрлана келинади. “Устоз — отангдан улғу”, “Устозни нозни қилганнинг қосаси оқармайди” деган нақллар бежиз айтилмаган. Шунингдек, илгарилари ота-она бола тарбиясида устозга тўлиқ ишонч билдирган, ўқитувчининг талаб ва танбеҳларини сўзсиз қўллаб-қувватлаган. Фарзандини бирон устозга шогирдликка олиб борганда “Эти сизники, суяги бизники” деб топширган. Тарбия масаласи умумий жавобгарлик сифатида қаралган. Даврлар кесимида илм-фариқ тараққиёт, юксалиш тўқинилари борки, Шарҳдаги ўша устоз-шогирдлик анъанаси тўғри бўлган, деган ҳулосаларни қувватлайди гоҳо.

Бугунги кунда таълим тизими демократлашиб, бола шахси марказга қўйиладиган бўлди. Энди ота-

она ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар тенг ше-рикликка асосланмаса, қувонарли натижа кутмай қўявериш керак. Болага муносабат ҳам янги призмада — ўқитувчидан ҳам, ота-онадан ҳам болага дўст бўлиб, бир хил макомда туриб муносабатда бўлиши талаб этади.

Атрофимиздаги эҳтиёжимизга хизмат қилувчи воситалар, яшашимиздаги қулайликлар, техника кашфиётлари замондошларимизни инжиқ, сабр-тоқатсиз, кўнотсиз, гоҳо қийинчиликларга ҳафсаласиз ҳам қилиб қўйди. Шунингдек, ҳаракатсизлик, ихчамликка асосланган гаджетлар замони, ахборотлар бўхро-нида ХХI аср фуқаролари депрессияга мойил бўлиб қолди. Ҳар қатлам, ҳар соҳада олдинги аср билан янги аср фуқаролари ўртасида улкан тафовут бор. Инчунин, ўқувчи, ўқитувчи, ота-оналариди ҳам. Аввалги ўқувчилар танбеҳдан шижоат олиб, тиришқоқлигини намойиш этган бўлса, бугунгилари депрес-сияга тушиб қолади, ўзига бўлган ишончини йўқотиб қўяди. Демак, бугунги ўқувчи то ўзига бўлган муста-ҳажам ишонч ҳудудига етгунча ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигидаги қўллов, назорат ўта муҳим. Бугун-нинг ота-онаси ва ўқитувчиси зиммасидаги масъу-лият олдинги вазифадошлариникидан қарра-қарра оғирроқ. Улар болани депрессиянинг, лоқайдик-нинг, ўзига ишончи синишининг чегараларидан са-лоомат олиб ўтишлари зарур. Бола қалби, онгини гўёки бир идишдаги тиник сув десак, ота-она ва ўқи-тувчи ҳамкорлигининг бирон нуқтасидаги нуқсон ту-файли шу шаффоф сувга гардни, даҳл етса, тўқ-дан шох қадар сарҳадлар зарарни тақсимлаб олади — яъни, жамият.

Хўш, боланинг психологик, физиологик сало-матлиги мукаммал ҳамкорлиқни талаб этар экан, бугунги таълимда боланинг психологик ҳолати, қо-билияти, қизиқишлари, жисмоний ва ижодий имко-

ниятларини ҳисобга олиб, устоз ва ота-оналар ҳам-корлик қилса, натижа нималарда кўринади? Аввало, боланинг ўқишга бўлган қизиқиши ортади (ўқитувчи ва ота-ота мулоқоти боланинг қизиқишини эрта-роқ ва тиниқроқ аниқлайди), муаммолар ўз вақтида аниқланади, болада масъулият ва мустақил фикр-лаш шаклланади (ўқитувчи ва ота-она боланинг ўзидан узоқда бўлган вақтида нима билан банд бўлганини, нима ниятдалигини билиб тургани учун болани эркинроқ қўяди, айни вақтдаги зоҳирий ҳа-ракатларига ишонч, ортиқча термамайди). Демак, томонлар вақти, асаби, энергияси тежаллади, болага ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга имкон бери-лади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир ўқитувчининг оталар мажлисига синфидаги барча ўқувчиларнинг дадалари тўлиқ қатнашгани ҳақида ҳайрат ва қу-вонч билан гапирган видеоси тарқалди. Ўқитувчи мажлис белгиланган санадан бир ҳафта олдин ҳар куни оталарга “бонг” юбора бошлаган: “Фарзанди билан вазифа бажариши, келмаган отанинг фар-занди шартни бажаролмаслиғи”ни айтади. Натижада мажлисга оталар тўлиқ қатнашган. Казо-казо таш-килотда ишлайдиган ота ҳам, дақиқаси фалон пул олиб келадиган тадбиркор ота ҳам мактабга келган. Оталар фарзанди билан бир партага ўтириб, шарт бажарган ва бу оталарга ҳам, фарзандларга ҳам катта — қутилган туйғунни берган. Демак, ўқитувчи берилган саломга алик олса, вақти кетиши қайғуси бўлаётган бугунги давр одамлари вакиллари — ота-ларнинг мажлисида тўлиқ иштирок этишини уdda-лади. Бу ҳам ҳамкорлиқнинг замонавий кўринишла-ридан бири, деб ўйлайман.

Кези келганда айтишни жоиз билдим: энди ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлигининг анъанавий ва янги шаклларини санасак. Ота-оналар йиғини, индиви-



дуал суҳбатлар, очик дарслар, онлайн мулоқот ва электрон кундаликлар, қўшма тарбиявий тадбир-лар ва инновацион ёндашувларни қўллаб келтириш мумкин. Бу ҳамкорликлар орқали ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат мустаҳкамла-нади, энг муҳими эса, миллат келажакига даҳлдор-лик ҳиссини туйган ҳар бир ватандошимизнинг муд-даоси — таълим сифати ошади.

Бу мақсадни кўнгилдагидек амалга ошириш учун, аввало, ота-она ва ўқитувчи вазифа ва бурчларини аниқлаштириб олиши керак. Ота-онанинг вазифа-лари болага соғлом психологик муҳит яратиш, ўқиш учун қулай шароит таъминлаш, ўқитувчи билан ҳу-рамта асосланган муносабат ўрнатиш, боланинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш бўлса, ўқитувчиники ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ино-батта олиб, ота-оналарга аниқ ва ҳолис маълумот бериш, тарбия масаласида ҳамкорликка очик бў-лиш, болага меҳр ва сабр билан муносабатда бў-лишдир.

Бундай мулоқотлар орқали ота-она боланинг ўқишдаги ютуқлари ва қийинчиликларидан хабар-дор бўлади, ўқитувчи эса боланинг оиладаги муҳити ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилади. Икки томон-нинг умумлашган ҳулосаси болани профессионал даражада қўллаб-қувватлайди.

Ҳамкорлиқни янада такомиллаштириш учун ота-она ва ўқитувчи ўртасида мунтазам ва очик муло-қотни йўлга қўйиш, ота-оналар учун педагогик ва психологик семинарлар ташкил этиш, гаджетлардан самарали фойдаланишни болага ҳамкорликда тар-ғиб қилиш, мактаб ва оила ҳамкорлигида тарбиявий тадбирлар ўтказиш, боланинг имкониятларидан ке-либ чиқиб касбга йўналтириш, ҳар бир болага инди-видуал ёндашиш кабиларни ҳам йўлга қўйиш керак.

Демак, ота-она ва ўқитувчи ҳамкорлиги боланинг таълим-тарбия жараёнида ҳал қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Ҳамма замонларда ҳам яхши тарбия ўқитувчи ва ота-онанинг “сенга бор, менга бор”и эмас, “биз” деган ҳаракати маҳсули бўлган. Тарихий тараққиёт давомида бу ҳамкорлик турли шаклларда намоён бўлган бўлса-да, унинг асосий мақсади ўз-гармаган — соғлом, билимли ва маънавий етук ав-лодни тарбиялаш.

Ҳозирги замонда ушбу ҳамкорлик ўзаро ишонч, ҳурмат ва масъулиятга асосланган ҳолда ташкил этилса, бола шахсининг ҳар томонлама бeнуқсон ривожланишига асос бўлади.

Мастона ЙЎЛДОШЕВА,
Сўрхондарё вилояти Шўрчи туманидаги
46-мактабнинг олий тоғфали
бошланғич таълим ўқитувчиси.

ҚИЁФА

Ўзгалардан ўзгача

Кўп йил бўлди, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мақола ўқиб қолдим. Биринчи навбатда мақола муаллифининг ёзиш, фикрлаш услуби эътиборимни тортди. Чунки миллий журналистикамизда услубнинг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган — хати “бошқа” муаллифлар у қадар кўп эмас. Тасодифга йўйдим, “Иқбол Қўшшаева” деган бошловчи журналист тажриба тарикасида бир ёзса ёзгандир-да, деган хаёлга бордим. Орадан маълум вақт ўтиб, шу муаллифнинг навбатдаги мақоласи чоп этилди. Яна ўша услуб! Услубнинг ўзига хослиги нимада эди?

Кенг оммага, адабий-маданий жамоатчиликка маълум воқеалик орасидан “теша тегмаган” эпкинни, гўдак нафасидек шабадани, насимни топа билишида, ўзи толган ўша ҳолатни, сахнани, манзарани изтироб призмасида идрок этишида! Яна аянчли ва кўнгилсиз ҳолатларда чекилади изтироб, одатда. Иқбол Қўшшаева эса ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳаётни изтироб дея аталмиш заррабин орқали кўради, назардан ўтказди. “Оламда изтироб кўп” деган жумла келади Михаил Лермонтов ижодига бағишланган битигида. Дарҳақиқат, ким ёки қайси мавзуда изҳори дил қилишга жазм этмасин, изтироб уни бирон қадам ўзидан нари юбормайди ёхуд унинг ўзи изтиробдан воз кечса, ёзишнинг, ижоднинг маъно-маъмуни, ҳикматидан мосуво бўладигандек ҳис этади ўзини.

Дастлабки хулоса шу, яъни Иқболой изтиробли ҳолатга туша олсагина ёзади, акс ҳолда, қаламни кўлга олмай қўя қолади.

Иккинчи жиҳат — Иқбол Қўшшаеванинг мақолаларида ҳам зоҳирий, ҳам ботиний ҳайрат қалқиб туради. Аёнанавий ҳавойи ҳайратлардан, офаринбозликдан, ашъор-нависликдан неча қақиримлар нари юради у, бинобарин, ҳайратларига яраша тил топади, ифода топади, оҳанг топади. Буларнинг бари таассуротни бойитишга хизмат қилади, таассуротлар эса хаёлни гўзаллаштиради. “Дарвозасиз қолган дунё”да ўқиганимиз ушбу жумла шунчаки ўрни келгандагина қозғога тушмаган, йўқ, у муаллифнинг ижодий кредосига айлана боради, зеро ҳар бир бадиясида таассурот билан бадиийлашган (демак, гўзаллашган!) хаёл қоришиб, чатишиб кетади.

Учинчи ўзига хослик — қамровнинг кенлигида. Иқболой синглимиз Алишер Навоий, Абдулла Қодирий дунёсида фикрлай туриб, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Антон Чехов оламига нигоҳ ташлайди, Баҳодир Йўлдошевнинг театр режиссураси концепцияларини таҳлил қила туриб, Олим Хўжаев, Шўқур Бурҳон, Тошхўжа Хўжаев, Зайнаб Садриева... Римма Аҳмедова сиймосида мужассам толган ижрочилик маҳорати ва ҳақиқатига буради сўзни. “Театр”, “сахна” аталмиш мўъжизакор “хўлуд” моҳиятига яширинган ҳикматни, гўзаллиқни, мубатлопикни янада чуқурроқ ва албатта, ўзгалардан ўзгачароқ кашф этгиси келади. Изтироб, хаёл-тасаввур, ҳайрат, қамровдаги ўзига хосликлар ичида ўрни-ўрни билан келадиган Иқбол Қўшшаева кашфиётлари синчков ўқувчини беҳосдан ўйга толдиради. Бир зум мутлоададан тўхтайди ва мушоҳада гирдобига шўнгийди. “Абдулла Орипов” фильми ҳақидаги мақола оддий тақриз эмас, қобйқдан чиқиш! Пўпанак босган даққилиқдан юз ўғириси!

“Миллат ҳам тирик организм. Чунки у ўйлаётган, ҳис қилаётган, кун кечираётган нафси уйгоқ жонлардан иборат. Айтишади-ку, одам улғайганга сари унинг гуноҳлари ҳам ўзи билан бираг улғаяди, деб” (“Дарвозасиз қолган дунё”). Тўхтанг! Тараққиётни, юксалишни, маданий раванкани биламиз, булар ҳақида кўп ва кўп бош котирамиз, лекин “гуноҳ ҳам бир жойда, бир номда турган ҳолатда турмаска керак”, деб фарз қилади муаллиф синглимиз ва шу заҳоти фикрида қатъийлашади: “Борган сари ўзини янаи-янаи шаклу шамойилларда намён этиб борар экан, авлодлар ўзига “мерос” бўлиб келаётган неъматларни асрлар оша елкасига ортмоқлаб ўтишдан ташқари, уни “такомиллаштириб” бораётгандек...”

“Бундан чиқди, ҳаётни, ўзимизни, турмуш тарзимиз, қарашларимизни айни шу нуқтаи назардан тафтиш-таҳлил қилишимиз мумкин экан-да? Нафақат мумкин, балки муҳим ҳам экан-да!”

“...ҳамма бало шундаки, бугун гуноҳ ўзининг гуноҳ эканини унутди” (“Дарвозасиз қолган дунё”).



“Фаросат истеъдод сингари Яратганнинг ноёб инъоми” (“Савдога қўйилмайдиган ягона бисот”).

“Қумушбининг жозибасидан кўра Раънонинг мардлиги кўпроқ ўйлантиради” (“Сиз нима дейсиз, Ҳожибобо?”).

“...ғўзаллик чексиз тушунча бўлгандек, яъни унинг қиёси топилмагани учун ҳам ҳар томонлама мукаммал санъат асари бўлмайди” (“Қумушга айланган маъсума”).

“Санъат яхшини ёмон, ёмонни яхши қилолмас экан. У фақат эзгуликка мойил, яхшиликка ишонувчан, нозик қалбларга далда бўла олиши мумкин экан” (“Санъат ёлғизлигига арзимайдими?”).

“Дунё ўз қаричига сиғмасан орзулар учун сиздан аёвсиз ўч олади. Айбсиз орзулар увол кетган парвози ҳаққи хаёл-парастни қозолайди” (“Жўмард йигит тазарруси”).

“Гўзаллик хўрланмасин экан, у хўрландими, татом, ҳўлу қуруқ баробар ёнади” (“Кечир, бизни бахтсизлик”).

“Муҳаббат, бу — касаллик”, деса бир ўринда муаллиф, бошқа бир ҳолатда: “Муҳаббат, бу — фалсафа” деган таърифдан нажот излайди, тополмайди, шекилли: “Муҳаббат — бир тилсим” дея вазиятдан чиқади яна бир бадиясида.

Вазиятдан чиқдимикан? Йўқ, чиқолмайди, ҳиссиёт майинлиги, таъб нозиклиги ҳукмрон кайфиятда, хусусан, муҳаббатдек бетакор туйғу хусусида мутлақ тўхтамаг, мутлақ таърифга келиш маҳол.

Иқбол Қўшшаеванинг эсселари хос кайфият билан ўқишни талаб қилади китобхондан. Кайфият бадиаларнинг номланишиданоқ бошланади — ўйчан, маҳзун, ўзгалардан ўзгача. Шиддатли мушоҳадаларга, баҳсга чорловчи илмоқларга, асарларининг игнаси янглиғ жазилпатадиган чекинишларга-да ўзларини ҳозирламоқликлари даркор Иқбол Қўшшаеванинг ўқувчилари. Бир сўз билан айтганда, ўзимни мароқли мулоҳазалар юритишдан тўхтатай-да, гапининг индаллосига қўчай: гўзаллик оламига ошутфа, ҳаёт ҳақиқатларини нозик дид, нозик таъб ила англашни ўзи учун саодат деб билган аэзилар, сиз орзу қилган латиф, рангин, ҳис-ҳая-жонларга тўлиб-тошгангина китоб муборак бўлсин! Ишонинг, ундаги барча битиклар айнан сизларга бағишланган. Ўқинг, кам бўлмайсиз. Сизу бизга олам-олам шукҳули онлари ҳада этган муаллифимизга кўндан-кўп ижодий омадлар, кенгликлар, ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Хуришд ДҮСТМУҲАММАД.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

2-6

Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўн икки тилда миллий контент тайёрлайдиган марказ очилди.

Ўзбекистон

Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда мазкур олий таълим муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган пресс-тур доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, шунингдек, институтнинг халқаро журналистика йўналишида тахсил олаётган талабалари иштирок этиб, яратилган шарт-шароитлар, техник имкониятлар ва режалар билан яқиндан танишди.



Таъкидлангандек, эндиликда ушбу марказ нафақат талабалар учун амалий тажриба майдони, балки журналистлар ва барча ижодкорлар учун очиқ ижодий платформа вазифасини бажаради. Бу ерда тайёрланадиган контентлар миллий қадриятлар, тарихий мерос ва замонавий қарашларни ўзида муҷассам этади.

Медиа-марказ замонавий студия ускуналари, аудио ва видеоёзув воситалари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, бу олинаётган материалларнинг сифатли, тезкор ва оммабоп бўлишини таъминлайди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жўрна-

МУЛОҲАЗА

ТУРИЗМНИ ЁРИТИШДАГИ КЎРИНМАС МАСЪУЛИЯТ

Бугун туризм дунё иқтисодийётининг энг фаол тармоқларидан бирига айланган. Давлатлар ўзини дунёга танитиш, инвестиция жалб қилиш, маданий таъсирини кенгайтириш учун туризмга сўяммоқда. Аммо бу жараёнда кўпинча кўздан қочадиган бир омил бор: туризмни ким ва қандай тилда, қандай ёндашув билан дунёга кўрсатмоқда? Айнан шу савол мени илмий изланишларимда туризм журналистикаси йўналишини танлашга олиб келди.

Кўпчилик учун туризм — бу саёҳат, дам олиш, чиройли манзаралар, тарихий обидаларни зиёрат қилиш ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларида ҳам туризм кўпинча шундай қўринишда намён бўлади: “энг гўзал жойлар”, “албатта бориш керак бўлган масканлар”, “арзон ва қулай йўналишлар”. Бироқ бу ёндашув туризмнинг асл ижтимоий, маданий ва сиёсий мазмунини назаримда тораيتириб юборади. Аслида, туризм — бу давлатнинг имижли, миллатнинг ўзини дунёга қандай таништириши, ҳудудларнинг қандай тасвирланиши, маданиятнинг қандай талқин қилиниши демакдир. Шундай экан, туризм ҳақидаги ахборот оддий маълумот эмас, балки ахборот сиёсати даражасидаги масалалар.

Айнан шу нуқтада туризм журналистикаси алоҳида илмий йўналиш сифатида аҳамият касб этади. Туризм ҳақида ёзиш билан туризм журналистикаси ўртасида фарқ бор. Биринчиси — ахборот мазмунидagi ёки реклама характеридаги матн бўлиши мумкин. Иккинчиси эса ижтимоий масъулият, аналитика, танқидий фикрлаш, тил

маданияти ва этик меъёрларни ўзида бирлаштирган профессионал фаолиятдир. Афсуски, ҳозирги медиа майдонида бу икки тушунча кўпинча ара-лашиб кетган.

Илмий манбаларни таҳлил қилганда яна бир муҳим муаммо кўзга ташланади. Туризм бўйича назарий тадқиқотлар бор: улар туризмнинг иқтисодий таъсири, экологик барқарорлик, маданий меросни сақлаш каби масалаларни ўрганади. Бошқа томонда эса амалий ахборот оқими мавжуд — англиклар, репортажлар, блоглар, реклама материаллари. Аммо айнан шу икки қўтбни бирлаштирадиган, яъни туризмни илмий таҳлил асосида, журналистик услуб ва мезонлар билан ёритишни ўрганувчи тизимли тадқиқотлар деярли йўқлиги сабаб назария бир томонда, амалиёт бир томонда қолмоқда.

Бу узилиш бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Туризмни ёритишда реклама ва ахборот чегараси йўқолади, ҳудудлар содда-лаштирилган образларга айлантирилади, маҳаллий аҳоли манфаатлари қўринмай қолади, экологик муаммолар эътибордан четда қолади. Натижада ОАВ реал ҳаётни эмас, “чиройли витрина”ни кўрсатади. Бундай ёндашув қисқа муддатда жозибадор қўринса ҳам, узок муддатда ишонч ва барқарор ривожланишга зарар етказиши мумкин.

Шу сабабли мен танлаган диссертация йўналиши — туризм журналистикаси — шахсий қизиқишдан кўра кўпроқ ижтимоий эҳтиёж билан боғлиқлигини тушунадим. Бу соҳада тил меъёрлари, нутқ хусусиятлари, туристик образ яратиш механизмлари, объективлик ва миллий манфаат ўр-

тасидаги мувозанат, этик масалалар каби кўплаб жиҳатлар чуқур ўрганилиши керак. Туризм журналистикаси, аслида, мамлакатнинг дунёга тутган ахборот кўзгусидир. Бу кўзгу қанчалик аниқ, масъулиятли ва илмий асосланган бўлса, давлат имижли ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Мазкур мавзунинг яна бир муҳим жиҳати — унинг истиқболга йўналтирилганлигидир. Туризм ривожланмоқда, медиа технологиялари ўзгариб бормоқда, рақамли платформалар туристик ахборот тарқатишнинг асосий майдонига айланмоқда. Бу жараёнларда туризм журналистикасининг назарий модели, лингвистик ва стилистик хусусиятлари, ҳудудий брендингнинг медиа механизмлари, этик меъёрлари ишлаб чиқилмаса, соҳа ёндашувлари ўзгариб кетади. Шу боис келажақда илмий изланишларимни докторлик босқичида ҳам айнан шу йўналишда давом эттиришни мақсад қилганман. Мақсад — туризм журналистикасини “саёҳат ҳақида ёзиш” даражасидан мустақил илмий ва профессионал йўналиш даражасига олиб чиқишдир.

Содда қилиб айтсам, туризм журналистикасини танлашим илмий бушлиқни қўриш, амалиётдаги муаммоларни сезиш ва журналистиканинг жамият олдидagi масъулиятини чуқур англаш натижасидир. Бугун бу туризмни қандай ёритаётган бўлсак, эртага дунё бизни шундай тасаввур қилади. Шунинг учун туризм журналистикаси — нафақат медиа соҳаси мавзуси, балки миллий ўзлик, маданий сиёсат ва ахборот масъулияти масаласидир.

Дармонжон РУСТАМОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

ЁД ЭТИБ

Аввалги мақолаларимиздан бирида раҳматли Мўҳиддин қизик Дарвешовнинг: “Яхши одамлар кўп-а!” деган жумласини қўлаган эдик. Дарҳақиқат, жамиятимизда яхши, инсофли ва диёнатли инсонлар кўплигига қўйидаги воқеа ҳам мисол бўла олади.

Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов ва устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Мирҳодиев (уларни Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) ёшлиқдан қалин дўст, улғайишганда ҳам бир-бирига жуда сўяниб қолган анди-лар. Кўп бора уларнинг дилкаш суҳбатидан баҳраманд бўлганман. Қўнлардан бир кўни устозим: “Эргаш ака бизни хурсанд қилиб олди. У устозимга қарата: “Ҳазратли олиялари Розахоним меҳмонга кетдилар, бу оқшом қайтмайдилар. Тоҳир дўстим, бугун иякни иякка тираб бир отамлашамиз”, деди.

Суҳбати жонон қизигандан-қизиди. Бир пайт Эргаш ака: “Шу дегин, Тоҳир дўстим, бир масала анчадан бўён менга ҳеч тинчлик бермаяпти. Шу борада сеннинг маслаҳатинг керак”, деди. Бу гапга Тоҳир ака: “Қани айт-чи, ақлим етганча



маслаҳат бераман-да”, дея унга қаради. Эргаш Каримов чойдан ҳўплаб, аста гап бошлади.

— Яқинда катта бир йиғин давомида Президентимиз Исрол Каримов билан қисқача суҳбатлашиб қолдик. У гап орасида менга: “Бундоқ биз тарафларга ўт-

майсиз ҳам. Ёки биз томондан бирор-бир ҳаффагарчилик содир бўлдимиз?” — дея гина қилгандай бўлди. Мен унга: “Сиз ахир кечаю кўндуз давлат ишлари, халқ ташвиши билан банд бўлсангиз. Шу боис қимматли вақтингизни олмайин, дейман-да”, дедим. Исрол ака бу

гапимга: “Албатта, иш кўп, лекин эскидан қадрдон сифатида сизни, Розахон опабини соғинаман”, деди. Мен эса: “Сиз каби соғинган инсонлар учун ҳам тез-тез телевизорда чиқиб турамиз-да”, дедим. Шунда Президентимиз: “Телевизорда кўрган бошқа, лекин юзма-юз дийдорла-шишга не етсин! Вақт топиб бир ўтин”, дея тайинлади.

Бу гапга Тоҳир ака: “Ўтин, деган бўлса, бор-да, давлат раҳбари ҳаммани ҳам шаҳсан тақлиф қилавермайди ахир. Қадимда ҳам подшоҳлар фуқаросини ўз хузурига чорлаганда “қуруқ қўл” билан қайтармаган. Ҳартўгул, борсанг, бирор нимали бўлармидинг!” дея илмоқли гап қилди. Бу гапга Эргаш ака ўрнидан турди-да, худди бирор асарда роль ижро этаётгандек образга киришиб кетди:

— Эй дўстим-а, гўёки менинг харак-теримни билмайдиган одамдай гапири-шингни қара. Мен учун энг катта муқофот — бу халқимнинг эътирофи. Шўқур, бу борада озми-кўпми максасимга эришдим. Биласан, раҳматли Мўҳиддин қизик халқимизга узок йиллар сидқидилдан хизмат қилди. Унинг ичакузди ҳангомаларидан тоза танагини ярайаб, руҳимиз қувват олган. Ҳажвчилигимиз пири комили Саид Аҳмад ака ҳам Мўҳиддин қизикнинг икти-дорига: “Башарти у ҳажвчи-ёзувчи бўлиб

қолганида, биз кабиларга умуман нон қолмасди”, дея тан берганди.

Ҳа, том маънода раҳматли Мўҳиддин қизик “Халқ қизикчиси” эди. Афсуски, аввал шўролар даврида, кейинчалик мустақиллик йилларида ҳам унинг меҳнатлари қадрланмади, лоақал бирор “значокка” ҳам муносиб кўрилмади. У ҳақиқий талант эди. Сенга айтсам, Исрол аканинг қабулига кира олсам, унга шу ҳақда айтиб, гарчи вафотидан кейин бўлса ҳам бирорта давлат муқофотига лойиқ қўришларини илтимос қиламан”, дея жойига чўқди.

Эргаш аканинг гапларига маҳлиё бўлиб ўтирган Тоҳир ака ўрнидан туриб, уни қаттиқ қучиб олганча: “Ажойиб бе-ғўбор қалбим бор-да, дўстим, дўстим-нам. Шунинг учун сени соғинаман-да!” дея қадрдонидан фахрланарди. Орадаги бироз жимликдан сўнг Тоҳир ака: “Хўп, бординг ҳам, гапларингнинг айтдинг ҳам дейлик, лекин юқоридагилар: “Афсус, у киши вафот этиб кетган экан, бу илтимосингизни бажара олмаймиз де-йишлари ҳам мумкин-ку”, деди дўстига маслаҳат берган бўлиб. “Галинда жон бор, эҳтимол, тартиб-қоида шунчақадир. Лекин мен ичимдагиларни айтиб олсам, виждоним олдида ўзимни айбдор ҳис қилишдан қўтуламан. Мўҳиддин қизикқа

бирор нима беришадими, йўқми, улар-нинг иши. Умуман, ўлиб кетган киши учун унвону мартабанинг фойдаси кам. Башарти нариги дунёда инсоннинг ҳаёт-лик даврида қилган эзгу амаллари бора-сида кечадиган савол-жавобларда марҳумнинг савоб ишларига тарикдек қўшилса, Худонинг бергани шу. Аммо билганим, гарчи халққа хизмат қилган одам ҳечдан кўра кеч деганларидек, вафотидан кейин бўлса ҳам бирор-бир муқофотга лойиқ қўрилса, бу халқ қал-биди ҳукуматга бўлган ишончни ортти-ради. Яъни, “Мана, бир умр у халққа хиз-мат қилган эди. Эртаси-кечми, баринбир халққа хизмат қилганлар эътироф эти-лар экан-да”, дея юртининг катталарига уларнинг хурмати янада ошади. Қола-верса, бу билан марҳумнинг яқинлари, шоғирдлари, минг-минглаб мухлислари-нинг кўнгли таскин топади”.

Афсуски, Эргаш Каримов турли са-баблар билан биринчи Президентимиз қабулида бўлолмади. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, элимиз сўйиб ардоқлаган атоқли санъаткор Эргаш Ка-римовнинг нақадар юксак қалб соҳиби эканлиги менда ҳали-хануз ёрқин таас-сурот уйғотади. Шунингдек, айрим тои-фадаги унвон, амал курсиси иштиёқда ёқа йиртиб, айюҳаннос солиб, хатто ўта пасткашлиқдан қайтмайдиган қимсалар учраб турадиган бир вақтда Эргаш Ка-римов сингари қалби дарё инсонлар бўл-гани кўнгилга икки қарра таскин беради.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
журналист.

УЛУҒЛАР СИЙРАТИ

ИККИ ДУНЁ САОДАТИНИ ТОПГАН ЗОТ

Халқимиз орасида ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни “шоҳ ва саркарда”, “ёр ва диёр куйчиси”, “зукко тарихчи”, “ҳассос шоир” деб аташ русумга кирган. Бизнингча, бу сифатлашлар буюк Бобурга камдек туюлади. У, бир томондан олиб қараганимизда, Андижон аҳли ичида тез-тез учраб турадиган чапани, чайир, ҳеч қачон тиним билмайдиган, кундузлари офтоб каби бағри иссиқ, ўз меҳрини атрофдагилардан асло аямайдиган, тунлари моҳтоб сингари сергак, нурли, ором билмас инсондек туюлади. Иккинчи томондан, унда Яратган эгам бисёр ато этган ва камдан-кам инсонда топиладиган илоҳий куч-қудрат, ўткир фаҳм-фаросат, кузатувчанлик, тенгсиз етакчилик мужассам эди.

Бобур ҳақида замондошлари, яқинлари, илм аҳли жуда “кўп ва ҳўб ёзган”. Жумладан, “Ун олтинчи аср бунёдкори” асари муаллифи, инглиз адаби Уильям Рашбрук шундай деб ёзган эди: “*Шахсияти ва ахлоқида туркий маданиятнинг энг ёўзал қирралари уй-ғунашган, адолатли ҳукмдор ва ёўзал хулқ-атвор соҳиби ҳамдир. Синчковлиги, кузатувчанлиги, маъжуд ёвзиятдан олган таассуротлари, атрофидаги одамлар ҳақидаги мулоҳазалари кишини ҳайратга солади*”.

Бобурнинг буюклиги ва халқимизга суюклиги нимада? Гап шундаки, у ҳам бошқалар қатори оддий инсон бўлган, лекин тақдир синовларига тан бериб, қўл қовуштириб ўтирмаган. Юқорида айтганимиздек, юксак даражадаги ақл-идроки, тафаккури, сабр-тоқати, матонати билан қисқа, лекин ўта машаққатли, сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган. Таассуфки, унга ўзи тўғилиб воғга етган Мовароуннаҳр тўпроғида ўз орзуларини амалга ошириш, Самарқанд тахтида давру даврон суриш насиб этмади. Унинг ру-бойилари ичида шундай бир намуна бор:

*Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу иккиси муяссар бўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.*

Бу сатрларда гўё Бобурнинг дил оҳлари, юрагининг туб-тубидаги орзу-умидлари, армонлари яшининг ётгандек туюлади. Ана шу армонларининг натижаси ўлароқ афсонавий Ҳинд ерида буюк Бобурийлар салтанатиға асос солди.

Унинг ҳаётига чуқурроқ назар солсак, шунга ишонч ҳосил қиламизки, у нафақат давлатни бошқариш ва ҳарб ишида, балки ҳар соҳада замондошларининг энг олдиндагиси, илдами бўлди. Ҳамиша адолатни туғ қилиб, исломнинг муборак яловини қўлида маллопанмай кўтариб юрди, оддий муаммолардан тортиб энг оғир масалаларни ҳал этишда ҳақиқатга таянди, рўйишор сўзлади. Гарчи тақдир Бобури ўз юртидан олис-олисларга олиб кетган бўлса-да, у ҳамиша она диёр, Ватан соғинчи билан яшади.

*Беқайдмен-у хариби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лавм эрмасмен.
Кобулда иқомат қилди Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен, —*

деган сатрлар унинг характеридаги биз билмаган яна бир муҳим жиҳатларни очишга хизмат қилади.

Бобур ота-боболаримиздан мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келаётган адолат, ҳақиқат, раҳм-шафқат, саховат каби чинакам инсоний туйғулардан бебаҳра бўлмаган, балки уларни ўзининг қалб гўзаллиги, ақл-заковати билан уйғунлашган ҳолда юзага чиқара олган чинакам инсонлардан биридир.

Унинг ижоди ватанпарварлик, юртпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, яратувчанлик ғоялари билан чуқур сўғорилган. Бугунги шиддатли, таҳликали замонда унинг ижодида ёш авлодга ибрат бўлгудек жиҳатлар истаганча топилади. Булар унга болалик чоғларидаёқ сингдирилган фазилатлар эди.


Болаликдан жангтоҳларда умри ўтанига қарамасдан, “Девон” яратди, “Ҳарб иши”, “Муфасссал”, “Мубаййин”, “Мусиқа илми” каби асарларини ёзди, “Хатти Бобурий”ни кашф қилди, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асарини туркийга таржима қилди. У ҳинд, афғон ерларига қурол кўтариб, уларни талаш, пароканда қилиш, даҳшат солиш, бойлик орттириш учун эмас, Яратганнинг изми билан уларни бирлаштириш, жиҳслаштириш, тарқоқ қабилаларни ягона давлат байроғи остига тўплаш мақсадида борди. Гарчи ўша давр тақозоси билан она юртини ташлаб чиқиб кетган бўлса-да, умр бўйи унга интилиш яшади, Ватанидан узоққа кетишни “йози қоралиқ” деб билди, ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам, ўзини бенаво, мискин, ғариблар қаторига қўшди. Унинг барча асарларида бу руҳ устунлик қилади. Бобур рубойиларининг бирида шундай деб ёзади:

*Кўпдин берикум, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.*

Бундай қароратли, ўтли, кўнгил исёни уфуриб турган мисраларни битиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу каби Ватан, она диёр соғинчи, ушалмас орзу-армонлар шоирнинг “Ғурбат ичра, эй кўнгил, элдин вафо истарини қўй. Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг”, “Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не? Тенгрининг хости мундоқ эса, мен нетаймен?”, “Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган, Осойише кам кўрган мендек яна бир борму?” кўринишидаги сатрларида бор бўй-басти билан намоён бўлади.

Айниқса, бу ҳолат адибнинг “Бобурнома” асарида катта маҳорат билан қаламага олинган. Бобур Мовароуннаҳрдаги шаҳарларни, улардаги наботот ва ҳайвонот оламини, тарихий шахсларнинг характерлари тасвирлаганда, уларга чексиз меҳр-муҳаббат билан, фарзандлик тавозеси билан ёндашади. Хусусан, Андижон ҳақида: “Ошлиғи вофир, меваси фа-

ровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эрмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Эли турқдур. Шаҳр ва бозорасида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам бирла росттур”; Са-



“Бобурнома”. Мирзо Бобур кемалари.

марқанд ҳақида: “Бу рубъи маскунда Самарқандча латиф шахр камроқдур. Узуми ва олмаси ва қовуни ва анори, балки жамъи меваси ҳўб бўлур. Ҳўб нон-волиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар”; Марғилон ҳақида: “Пур неъмат; анори ва ўргуи асру ҳўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор”; Аҳси ҳақида: “Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундуким, “Мир Темурий” дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай” сингари ҳаққоний сўзларни ёзиш, ҳолис баҳо бериш учун шу юртни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини, бу ерларнинг хоссаларини мукаммал билиш зарур эди. Ҳазрат Бобурда бу фазилатларнинг барчаси мужассам бўлган.

Иккинчидан, Бобур характерида унга темурийлардан мерос бўлиб ўтган тўғрилик, ростлик, ҳар бир ишга адолатпешалик билан қараш фикри кучли эди. Амир Темурнинг “Куч адолатдадир” деган шиори унга ҳам ўтган бўлиб, ҳар бир ҳодисага ёндашганда, бу шиор унга мадад бўлди. Бу ҳақда Бобур “Бобурнома”да отаси Умаршайх Мирзодан ибрат бўлиб қолган бир воқеани қаламга олади: “*Адолати бу мартабада эдики, Хитой қарвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ қарвонни андоғ қор босдиқим, икки киши қўтулди. Хабар толиб муҳассиллар йибориб, қарвоннинг жамъи жиҳотини забт қилди. Ҳар чандики вориси ҳозир йўқ эрди, бовжудки эҳтиёт сахлаб, бир-икки йўлдин сўнара Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди*”. Отасидан ўтган бу фазилатга Бобур тахтда ўтирганида ҳам, қўлида қилич тутиб жангга кирганида ҳам, ғамли кунларида ҳам, шодон онларида ҳам содиқ бўлиб қолди.



“Бобурнома”. Чандир қалъасининг ишғол этилиши.

Масалан, Қорабоғ яқинидаги Оқсарой деган жойда “Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтуруиб, таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чикди”,

деб ёзади. Қалот деган жойда Ҳиндистондан келган савдогарларни “Ақсар барин бўлдиларким, мундоқ ёғийлик маҳалда ёғий вилотиға келадурганни таламоқ керак, мен ризо бўлмадим. Дедимким, савдогарнинг не гуноҳи бор?” — дея уларга озор етказишларига йўл қўймайди.

Айниқса, Бобурнинг ҳалоллиги, пок эътиқодлиги, тўғри сўзлиги темурий шоҳларга, шахзодаларга, саркардаларга, уларнинг уламоларию умароларига берган таърифу тавсифларида яққол намоён бўлади. Бу борада Бобур ўз отасидан тортиб тоғаларига, амакиларию яқинларига — барчасининг яхши-ёмон томонларини бирма-бир тасвирлаб ўтади. Бу нараса биз — бугунги авлодга, айниқса, сабр-тоқат, кўнг, ҳафсала борасида биров шоҳалоқлик қилаётган, илм-хунар ўрганиш борасида ўз устида тинимсиз ишлаши лозим бўлган ёшларга ҳар томонлама ўрнатқ бўлиши даркор. Масалан, Бобур отасининг яқинларидан Али Мазидбек қавчининг “мунофиқ ва фосиқ ва ҳаромнамак ва ярамас киши” эканини тасвирлайди. Ҳасан Ёқуббекнинг “кичик кўнгуллик, яхши таъблик, чуст ва часпонлик, мардона” эканлигини айтиб, шу билан бирга “ичи тор ва кам ҳафсала ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди”, — деб баҳо беради. Бундан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак.

Учинчидан, Бобур ўз замонасининг илғор фикрли, маърифатли кишиларидан бири сифатида яратиш, янги биноларни, боғу роғларни, саройларни қуриш билан машғул бўлди. Ўз юрти Андижону Самарқандда қура олмаган биноларни Афғонистонда, Ҳиндистонда барпо этишга ҳаракат қилди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини эътироф этган инглиз адаби Виллям Рашбрук Бобурни “Ун олтинчи аср бунёдкори” номи билан улуглаб, у тўғрисида асар яратган. “Бобурнома”да унинг бунёдкорлигини, яратувчанлигини тасдиқловчи сатрларга жуда кўп дуч келамиз. Масалан, “Одинапур кўргонининг олида, жанубий тарафида, бир баландида тарихи тўққиз юз ўн тўртта бир чархбоғ солдим”; “Италифча кент маълум эмаским хейли ерларда бўлғай. Улуғ руд кентнинг ичидин оқар. Бу кентта Боғи Калон олтиг Улуғбек мирзонинг бир мағсуб боғи бор эрди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим. Боғнинг ўртасидин бир тегиримон суйи ҳамиша жорийдир. Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун ариқ эгри-букри ва бесиёқ эрди. Мен буюрдимким, бу ариқни режа ва сиёб била қилдулар. Бисёр яхши ер бўлди”, — дея ўзининг бунёдкорлик борасидаги ишларини эътироф этади. Худди шундай улуг ишларни Ғазни, Кобул, Агра, Пирўзпур, Дуллул деган жойларда амалга оширди, жойлар танлаб, боғлар барпо этди, атрофини обод қилди.

Бобурнинг яратувчанлиги унинг Фарғонадан мевали дарахт қўчатларини афғон, ҳинд ерларига олиб бориб эктиришда ҳам қўринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: “*Кобул ва кентларида сардсерий мевалардин узум ва анор ва ўруқ ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олу-болу ниҳоли кетуриб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди*”. Бундай ҳолат илм-фанда иқлимлаштириш деб аталади.

Тўртинчидан, Бобур яшаган давр жангу жадалларга, тўс-тўполонларга тўла, шиддатли бир давр эди. Ҳар бир йигит киши чавандозлик, қиличбозлик, камонбозликдан бохабар бўлиши талаб этиларди. Бобур сарой тарбиясини кўрган шахс сифатида буларнинг барчасиндан нафақат хабардор бўлган, балки у ўша даврнинг мард ва қўрқмас, матонатли, шижоатли жасур жангчилардан, саркардалардан, ижшў тактикасини мукаммал эгаллаган сара лашкарбошилардан бири эди. От минишда, қиличбозликда, сузишда, камон отишда унга тенг келадиган навқарлар кам бўлган. Бобур жангларда тобланган, пуртажиба, ҳарб ишининг ҳадисини олган ҳукмдорлардан саналарди.

“Бобурнома”дан олинган “*Маҳкам зарб совуқ эди. Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Бир ариқ суйидаким ёқалари қалин муз тўнғуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги ҳақтидин яҳ боғламайдур эди, бу сувга кириб ғўсл қилдум. Ўн олти қатла сувга чўмдум. Сувнинг совуқлиги хейли таъсир қилди*”, — деган сатрлар Бобурнинг жиҳсоний жиҳатдан тобланганини, бақувватлигини кўрсатиб турибди. У жангларда юз, балки минг бор ёғий билан юзма-юз келган, аммо қўрқиб ортига чекинмаган, ҳар вақт душманга тили боқиб, уларга қарши мардонавор қурашган. “*Ёғийни кўчадин қочибур тугза қочибур, қилич те-гурур маҳалда отимнинг оёғига ўқладилар. Отим буқилиб, ёғийини ўртасига мен ереа урди*”, “*Ахмад Юсуфбек изтироблар қилиб, ҳар замон айтмадурким: — Ялонғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти. Мен дедимким: — Сиз мардона бўлуна, менинг бошимдан бундоқлар хейли ўтубтур*”; “*Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак*”; Ҳар неча дедиларким, ҳавола боринг, бормадим. Кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чолқунда, мен иссиқ уйда ва ва истироҳат била мунда борча улус ташеиш била машаққатта, мен мунда уйку била роҳатта. Муриваттин йироқ ва ҳамжиҳатликдин қироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташеиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса тура-ин, бир форси масал бор: “*Мара бо ёрон сураст*” (Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тийдир).

Умуман олганда, биз — бугунги авлод Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ҳар томонлама ўрнатқ олсак арзийидган жиҳатлар бисёр. Ундаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, кенг мулоҳазалилик, мардлик ва жасурлик бизга ҳақиқий ибрат мактабидир.

Абдулҳай СОБИРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ХОРИЖ

КЕЛИШУВ УЧУН АНИҚ ШАРТЛАР

Эрон ядровий дастур бўйича Қўшма Штатлар билан келишувга эришиш учун ўз талабларини очиқ айтди. Мамлакат раҳбарияти маълум қилишича, агар Вашингтон Теҳронга қарши жорий этилган барча санкцияларни бекор қилса, Эрон уранини юқори даражада бойитишни қисқартиришга тайёр.

Мамлакат вице-президенти Муҳаммад Исламийнинг айтишича, гап уранини 60 фоизгача бойитишдан воз кечиш эҳтимоли ҳақида бормоқда. Бу қарор АҚШ санкцияларни бекор қилиш-қилмаслигига боғлиқ.



АҚШ Эронга санкциялар жорий этишининг асосий сабаби сифатида мамлакатни халқаро мажбуриятларни бузишда ва глобал хавфсизликка таҳдид солувчи фаолиятда айблаб келади. Хусусан, баллистик ракеталар дастури, ядровий қурол ишлаб чиқиш, “Ҳиз-буллоҳ” ва “Ҳусийлар” каби гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар кўрсатиб ўтилади.

Маълумки, жорий йилнинг 7 февраль кунини Эронда Эрон ва АҚШ ўртасида навбатдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Аббос Арақчи Эрон уранини тинч мақсадларда бойитишни давом эттиришини ва “ноль даражада бойитиш” сиёсатини қабул қилмаслигини таъкидлади.

САМОЛЁТЛАР УЧУН ЁНИЛҒИ ҚОЛМАДИ

Куба ҳукумати 8 февраль кунини хорижий авиакомпанияларга мамлакат аэропортларида вақтинча самолётларга ёнилғи қуйиб бўлмаслигини маълум қилди. Бу ҳақда “Deutsche Welle” хабар берди.

Чекловлар 9 февралдан қўлга кирган бўлиб, март ойи ўрталарига қадар давом этиши мумкин. Гап бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг бир неча аэропортларида, жумладан, Гаванадаги Хосе Марти халқаро аэропортида ёнилғи танқислиги юзага келгани ҳақида кетмоқда.



Куба расмийлари авиакомпанияларни мамлакат ҳудудида самолётларни ёнилғи билан таъминлаб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирган. Бу оролга ундиган хорижий авиакомпанияларнинг йўналиши, жадвали ва парвозлар частотасини ўзгартиришга олиб келиши мумкин.

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Тинч мақсадларда ядро энергиясидан фойдаланиш бўйича АҚШ ва Арманистон ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувни АҚШ вице-президенти Жей Ди Вэнс ва Арманистон бош вазири Никол Пашинян томонидан Ереванда 9 февраль, душанба кунини имзоланди. Бу Вэнснинг Арманистонга икки кунлик ташрифи доирасида амалга оширилди.



Мазкур келишув “хавфсиз инновацион технологияларни жорий этиш орқали Арманистоннинг энергетик ресурсларини диверсификация қилишга кўмаклашди”, деди Пашинян.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ЖИДДИЙ ЛАВОЗИМ ЎЗГАРИШИ ЮЗ БЕРДИ

Кунини кеча, 10 февраль кунини Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси (МХҚ) раиси Қамчибек Ташиев лавозимидан озод қилинди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Садир Жапаровнинг фармони имзоланди.

Қамчибек Ташиев 2020 йил 16 октябрь кунини Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раиси этиб тайинланган эди.



Қамчибек Ташиев ва амалдаги Президент Садир Жапаров ўртасидаги кўп йиллик муносабатлар мамлакатдаги энг барқарор ва таъсирли сиёсий иттифоқлардан бири сифатида баҳоланиб келинган. Уларнинг ҳамкорлиги ҳокимият тепасига келишидан анча олдин бошланган: 2010 йиллар бошида улар бир неча бор сиёсий жараёнларда бир томонда бўлган, 2012 йилдаги умумий жинойи эпизодни ҳам бирга бошдан кечирган, бу эса уларнинг яқинлигини янада мустаҳкамлаган.

2020 йил октябрь воқеаларидан сўнг тандем яқиний шаклга келди: Садир Жапаров Президент лавозимини эгаллади, Қамчибек Ташиев эса МХҚ раҳбари этиб тайинланиб, куч блокнинг асосий таянчига айланди. Айнан у энг шов-шувли ишларни назорат қилган, куч сиёсатини шакллантирган ва амалда Президент жамоасининг энг яқин ишончли шахсларидан бири бўлиб келаётган эди.

Сўнгги пайтларда сиёсий доираларда махсус хизмат раҳбарининг бўлажак Президент сайловларида иштирок этиши мумкинлиги ҳақида миш-мишлар тарқалганди. Қамчибек Ташиев эса бир неча бор президентлик пойғасида қатнашмоқчи эмаслигини ва Садир Жапаровни қўллаб-қувватлашни маълум қилган.

Қамчибек Ташиевнинг ўрнига Жумгалбек Шабданбеков Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланган. Бу ҳақда мамлакат раҳбарининг матбуот хизмати хабар берди.

Жумгалбек Шабданбеков 2020 йилдан бунён Миллий хавфсизлик давлат қўмитасининг 9-хизмати бошлиғи ва раис ўринбосари лавозимида ишлаб келган. У 55 ёшда. 2022 йилда Шабданбековга генерал-майор ҳарбий унвони берилган.

ҚОЗОҒИСТОНДА РУС ТИЛИГА ЭЪТИБОР

Қозоғистонда рус тилидан фойдаланишга оид норма янги Конституция лойиҳасида бошқача ифодаланмоқда. Республика конституциявий суди раиси ўринбосари Бахит Нурмухановнинг айтишича, лойиҳадаги 9-моддада муҳим бир сўз алмаштирилади: аввалги “тенг” атамаси ўрнига “қатори” ибораси қўлланади.

Амалдаги Конституциядаги 7-модданинг ҳозирги талқинига қўра, давлат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида рус тили қозоқ тили билан “тенг” равишда расмий қўлланилиши айтилган. Шу билан бирга, Қозоғистонда ягона давлат тили қозоқ тили экани ҳам очиқ белгиланган.

Айни шу “тенг” сўзи йиллар давомида қўллаб баҳсларга сабаб бўлиб келган.

Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ҳамид Сулаймон XX асрда яшаб ижод этган — ўзбек ҳамда хориж адабиётининг билимдони, таниқли адабиётшунос, даврлар ва вақт тўфони турли қитъалар ва кутубхоналарга чирипарак қилиб учириб кетган ҳазрат Навойининг асарларини ватанига қайтариш йўлида заҳмат чеккан, навоийшунослик илмининг энг кўзга кўринган вакилларидан биридир.

Бу йирик шахс ҳақида сўз айтиш учун тарихнинг сиёсий ўйинларга бой энг мураккаб даври — XX аср совет мафқураси ҳақида ўйлашга ва мушоҳада юритишга тўғри келади.

Ҳамид Сулаймоннинг осон кечмаган умр йўлларига назар соларкансан, инсон боласи иродаси қанчалар мустаҳкам бўлиши мумкинлиги, у ҳар қанча адолатсизлик ва ҳақсизликка дуч келса-да, барибир нурга интилиш, ҳаётга талпиниши ҳақида ўйлайсан, ўйга толасан.

Ҳамид Сулаймон ҳам, унинг отаси Сулаймон Хўжаев ҳам ўз даврининг эдициятлари, тоталитар тузумнинг ҳийлаю найрангларини авом халқдан фарқли яхши тушунадилар, бунинг сабаблари ҳақида ўйлайдилар. Ўйлаганлари, фикрлаганлари учун энг тоғли нёъмат — ҳаёт аталимиш нёъматдан мосуво этилишга маҳкум бўлдилар...

Ҳикоямизни Ҳамид Сулаймондан эмас, аввало, уларнинг отаси Сулаймон Хўжаевдан бошлаймиз. Зеро, “мозияга қайтиб иш кўриш хайрли” дейдилар.

ТОНГГА ИНТИЛГАН ИНСОН — СУЛАЙМОН ХЎЖАЕВ

1891 йил. Тошкентнинг Камолон маҳалласи. Баҳор шамолли музмининг “Аллоху Акбар” деган илк калитмасини келтирган маҳал бир ярим кунлик тўлқондан азоб чекаётган ёшгина аёлниң кўзи ёриди. Доя чақалоқни кўлига олди, киндигини кесди. Ўл-бул шунда ёрдам бериб юрган кўшни аёлниң кўзлари янаба кетди. Доя кампир бунга эътибор бермади, у учун муҳими — аёлниң эсон-омон туғиб олгани эди. Илк туғуруқнинг азобидаан тегра тушиб, қизариб-бўғриқиб кетгани, жингалек сочлари ҳар томонга тўғзиб, ўзи бутунлай холдан тоғинига қарамай, келинчак баланд овозда инглаётган боласи томонга қарамоқчи бўлиб бошини кўндрди. У нихоятда гўзал эди. “Эҳ, бу нима деган гап ўзи?!” Жонини бу қадар азобга қўйган ўша қип-қизил гўшт гўдагини булча кўртиси келмаса?!”

— Ўзингни уринтирмай, бирпас ёт. Қаттиқ азоб единг, — кампир уршмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийди. — Ўғил. Ўғил туғдинг пахлавондай.

Бу пайтта келиб ҳовлидагилар бу хушхабардан аллақачон хабар топгандилар. Бирпасда ҳовли қий-чув — қўни-қўшинининг чуғур-чуғурига тўлиб кетди. “Ўғил, ўғил!” дейишарди ёшу қари, эркак-аёл, йўғон-ингичка товушлар. “Қутлуг бўлсин!”, “Муборак бўлсин!” деган шодёнелар қўлоққа чалиниб турарди. Офтоб ойим бахтдан ўзини йўқотиб қўйган эрининг раъйига қарши бормасди. У айтган иси унга ҳам маъзун эди.

Сулаймон Хўжаев ўз даврининг илгор зиёлиларидан — ҳам Европа, ҳам Шарқ адабиёти, маданиятига бирдек муҳаббат қўйган, Оренбург, Москва шаҳарларига тижораб турарли катнаса-да, ўша ерларда чиқарилган китоб, журналга газеталарни ҳам мутлола қилар, илк кишилари бээмида кўпроқ бўлишни ихтиёр қиларди. Шунингдек, у ўғли Ҳамидулланнинг тарбиясига ҳам жиддий эътибор қаратди — ўйга рус муаллимини ёллади.

1927 йили ота ва ўғил келишиб, Москва давлат кинематография институтига жўнадилар. Ўттиз беш ёшли Сулаймонхўжа олий даргоҳнинг режиссёрлиги, ўн олти ёшли ўғли Ҳамидулла кинооператорлик факултетида ўқиб бошладилар. “Отам машҳур кино усталири Эйзенштейн, Пудовкин, Комаров, Довженколар лекциясини тинглаб бошладилар, — деб ёзган эди келинчалик Ҳамид Сулаймон, — 1932 йили Бутуниттифқ давлат кинематография институтини тугатган, мен отам билан бирга Ўзбекистонда оператор ассистенти, сўнгра мустақил кино оператори лавозимида кинохроникада ишлай бошладим”.

30-йилларнинг ўрталарига келиб, маҳорати ва тажрибаси ўсиб борган Сулаймон Хўжаев ўзи ҳам катта ишга қўл урди. Узоқ уринишлардан сўнг “Тонг олдинда” номли фильмини суратга олиб тугатди. Таниқли биринчи ўзбек киношуноси Ханжара Абдулқосимованинг ёзишча, ушбу фильм ўзбек киносидаги биринчи таърихий фильмдир. Тарихдан маълумки, биринчи жаҳон уруши даврида Россия ҳар томонлама катта талафотларга учради, мамлакатнинг иқтимоий-иқтисодий мавқеини кўтариш мақсадида подшо ҳукумати мустамакалари, хусусан, Туркистондан ўз минглаб тўб аҳолини эўравонларча Сибирь томонларга мардикорчиликка ёллашни бошлади. Бу фармонга нисбатан Туркистоннинг турли бурчақларида қонли намойишлар бўлиб ўтди, халқ норозилик билдириб, турли минтақаларда исёнлар кўтарилди. 1916 йили Жиззах қўзғолонига бағишланган ушбу асар орқали фильми муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр — Сулаймон Хўжаев жуда катта материал асосида рус ҳамда маҳаллий амалдорларнинг ҳалқни эзиши тўғрисида вужудга келган исённинг келиб чиқиш сабабларини объектив ва ҳолис кўрсатмоқчи бўлган эди. Фильм экранда бир маротаба намоиш этилди, ҳолос. 1934 йилда фильм муаллифи ҳибсга олинди. Замондошлари бир неча кун аввал уни маҳалладоши — Абдулла Қодирий боғига боргани, ёзувчининг машҳур шийтонни остидаги уйда иккалалари суҳбатлашганлари ҳақида сўзлайдилар. Афсус, икки ўзбек зиёлиси суҳбатларини қимдир (бу одам кейинчалик машҳур санъаткор бўлиб танилган — шарҳ бизники — И.Р.) ашиқ ортидан эшитиб турганини ҳалқларига ҳам келтирмадилар. Балки, бу чақимчилик ижорежиссёрнинг “сиёсий нодон”лиги масаласига сира ҳам алоқаси йўқдир. Одам боласи ўз қисматида қочиб қутулолмас, деган гап бор. Лекин факт шундаки, орадан ан ўл йил ўтган, 1937 йили биринчи ўзбек кинорежиссёрларидан бири Сулаймон Хўжаевни фильмининг яна икки ижодкори билан бирга Сирдарё вилоятининг “Малик” совхозида отиб ташладилар. “Тонг олдинда” фильми учун тонг олдинда...

ОТАСИНИНГ ҚИСМАТИНИ ТАҚРОРЛАБ...

Ҳамид Сулаймон 1928-1932 йилларда Москва давлат кинематография институтига ўқиб қайтган, 1932 йилда Ўзбекистон маданий қирлиши илмий-тадқиқот институтининг адабиёт бўлимида аспирантурада таҳсил олди. 1933-1937 йиллар Ўзбекистон МК қошидаги партия курсларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериш бораборида Санъатушунослик илмий-тадқиқот институтининг театр ва кинодраматургия бўлими мудири лавозимларида ишлади.

Ҳамид Сулаймон 1935 йили кинофабрикадан кетди. У маҳаллий кадрларга нисбатан муносабатлардаги ноҳақликларга чидаб туролмади, ўз хошими билан ишдан бўшадди. Бу воқеалар отаси қамалгандан сўнг бир йил кейин юз берди. “Халқ душмани”нинг ўғли кейинчалик отаси касбини давом эттира олармиди ёки йўқми? У бу ҳақда кейинчалик ҳам кўп марта ўйлади, лекин саволлари жавобсиз қолди. Ўттиз бешинчи йил эса у Тошкент педагогика институтининг рус ва хорижий кафед-

“Халқ душмани” тамғаси билан 25 йил қамокқа ҳукм қилинган ўзбек олимининг азобли кечган умр саҳифаларидан ҳикоя



Ҳамид Сулаймон ва унинг рафиқаси Фозила Сулаймонова.

расига катта ўқитувчи лавозимига қабул қилинди.

Фозила Сулаймонованинғ эсдаликларидан: “Ҳар йили икки марта ўқишимни сирдан давом эттириш учун Тошкентга келардим. Учинчи курсда эдим. Текстиль томонда ўқирдик. Бир кўни ўқишдан шеригимсиз келаётсам, ортимдан биров чақирди. Қарасам, баланд бўйли, нихоятда келишган бир йигит мен билан сўрашиб: “Ота-онангиз яхшими, ўзингиз яхши келдингизми? Илгари жуда кичик эдингиз, мана, катта бўлиб, бўйларингиз чўзилиб қолган”, дедилар. Домла (Фозила опа турмуш ўртоқларини шундай атайдилар — шарҳ бизники — И.Р.) мени икки-уч йилдан буён кузатиб юрар, очғи, кўнгли қўйган эканлар. Йўлда гаплашиб кетдик...”

Кейин уйимизга совчи юбордилар. 1938 йили тўйимиз бўлиб ўтди. Қайнона ойим: “Ҳамма “хали қўрасан, сенинг ўғлинг ҳам отасидай ўрис хотин олади” деб мени кўйдирарди. Худого шукр, ўзбек экансиз. Иш билмасангиз ҳам майли, ҳамма юмушларни ўзим қиламан. Сиз фақат ўқишингизни қилинг ва Ҳамидуллага қарасангиз бўлди”, деб қўвончлари ичларига сиймасди. Ўқишдан келишимга овқатини ҳам иситиб тайёрлаб берадилар, ҳамма юмушларни ўзлари чопиб-чопиб қилаверардилар...

Бечора ойим — кундош устига кундош қўравериб, юраклари зада бўлиб кетган кичкинагина аёл мени шундай сўзлар билан ўлиб-қўчоқлаб қарши олгандилар. Устиларига уйланса ҳам, узоқ муддатли сафларга бориб, тагин ундан қўш-қўш хотин билан қайтса ҳам, эрларининг қимлигини яхши билардилар. Ўқимангиларига қарамай, жуда кўп нарсани тушунардилар”.

Бу орада уруш бошланиб кетди. Урушга яроқли аҳолининг ҳаммаси она Ватани душмандан ҳимоя қилиш учун жанг майдонларига кетдилар, фақат Ҳамид Сулаймонни урушга олмадилар. Унинг тақдирига “халқ душманининг ўғли” деган тамга соя ташлаб турарди. Ёш ўқитувчи педагогика институтида дарс беришда давом этди.

Фозила Сулаймонова хотираларидан: “Қамал пайтида Тошкентга келган бир гуруҳ ленинградлик ўқитучилар биз — эр-хотинни Ленинградга аспирантурага тақлиф қилишди. Фан номзодлари институтга йўқ эди ҳисоб. Иккимизга бу тақлиф манзур келди. Эр-хотин урушдан сўнг Ленинградга жўнаб кетдик. Домла “Проспер Мериме новеллаларини” мавзуда номзодлик диссертациясини ёза бошладилар. Ленинград иккимиз учун ҳақиқий мактаб бўлди. Ҳар томонлама гўзал жойлар эди. 1947 йил Ленинградда фан номзодлиги устиди иш олиб бораётган домла иложи борича қўлёзма фондларига бораар, халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган китоблар устида мутлола қилганлариди, “Отам — миллатчи, халқ душмани қилиниб, ному нишонсиз йўқ бўлиб кетдилар, агар мен халқим маданияти, адабиёти билан шуғуллансам, ҳеч қачон тинчлик бермайдилар. Шу сабабдан мен Оврупо билан шуғулландим”, — дердилар армон билан.

Мен ҳам аспирант эдим. Ҳўмондан сўнг иккимиз поездда қайтдик... Биз чиққан кўледа ҳарбий қилмидаги рус кишиси бор эди. У нихоятда серасавлат, кўркам киши эди. Биз билан йўлда чакчақлашиб келди. Ўғлимиз Султонқонни (у 1943 йили туғилган — шарҳ бизники — И.Р.) яхши кўриб қолди. Дам-бадам йўлакка чиқиб, у билан футбол ўйнаб келишарди. Бу одам биз билан турли мавзуларда суҳбатлашиб, “Сизлар жуда билимли, замонавий экансизлар, Ўзбекистонга ҳозир ана шундай одамлар керак. Мен Тошкентга борсам, сизлар ҳақингизда давлат раҳбарларига, шахсан Ўсмон Ўсуповга албатта айтман”, деди. Домла ҳам, мен ҳам бунга дарров: “Йўқ, биз илм кишиларимиз, бизга мансаб-амал керакмас, биз келгусида ҳам илм билан жиддий шуғулланишни истаймиз” деган мазмунда рад жаваб бердик. Бу киши хайрлашув олдидан: “Мабодо керак бўлиб қолсам, менинг фамилиям — Баскаков” деб қўлимизга бир қўғоз тутқазди. Тошкентга етиб келдик. Қоронғи эди. Бир вақт ҳеч қимни поезддан туширишларига қарши чиқдик. “Ҳеч қим жойидан қимирламасин!” деган буйруқ берилди. Анчадан сўнг оркестрнинг овози эшитила бошлади. Перрон одамга тўлди. Деразадан пастга қараймиз. Ҳамманинг қўлида гуллар. Қарасак, поезддан фақат ўша — биз билан бирга келган кишинигина тушириляпти. Ана мулозамат-у, мана мулозамат. Кейин биз ҳам — Ҳамид ака, мен ва Султонқон ҳам поезддан туша бошладик. Кейин билсак, бизнинг ҳамроҳимиз Ўзбекистон КГБсининг бошлиғи экан. Таътилга уйига бориб келаётган экан. Биз унинг ортидан анграйиб қараб қолдик. Домла Москвадан қайтиб келганларидан сўнг иш фаолиятларини давом эттирдилар, чет эл адабиётининг дарс бера бошладилар. Пединститутта проректор этиб тайинланши. Бир ярим йил ишладилар, ҳолос. Бир ярим йилдан сўнг домлани қамашди”.

Бу — халқлар отасининг навбатдаги сиёсий ўйинлари бошланиши оқибатлари эди. “Асплада, бу қатгонтларнинг илк шарплари 1948 йилиёқ бошланган, шу йили ВКП(б) Марказий Комитети “Звезда” ва “Ленинград” журналларининг гоёвий хатолари ҳақида қарор қабул қилганди. Мазкур қарор муносабати билан наинки Ленинград ёки Москвада, том маънода бутун Иттифокда, шу жумладан, Тошкентда ҳам ёзувчи, рас-

сом, композитор ва олимплар иштирокида катта бир йиғилиш бўлиб ўтади. Бу йиғилиш нихоятда жиддий аҳамият касб этганлигидан бўлса керак, унда давлат ва жамоат арбоблари ҳам қатнашдилар. Ўшанда Украина шоири Сосороининг “Менинг Украинам” шеъри миллий маҳдудликда қораланган эди. Ана шундан кейин Ўзбекистонда ҳам “Сосора”лар излана бошланди”, деб ёзган эди Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон “Менинг ижодим — менинг ҳаётим” китобида.

Фозила Сулаймонова хотираларидан: “1950 йилнинг ноябри, эндигина ишдан келиб турган эдим. Бир замон учта киши кириб келишди. Икки рус ва бири — татар. Куз пайти, шунинг учун ойим киши тараддул — дудборан, самовар қарнай, яна сулурги, хокандозга ўхшаш ул-бул нарсалар олгани Эски шаҳарга кетган эдилар. Келганлар: “Кўшини қақиринг — бизга понятой керак”, дейишди. Рус қўшнларимизни қақириб чиқдик. Титиш бошланди. Ҳеч қаер қолмади: наматларнинг тити ҳам, шиллар-у кўрпа, кўрпача, ҳатто ёстиқларнинг жилдларигача очиб ташлашди. Ҳеч нима топа оlishмади. Сўнг “кетамиз” дейишди. Халиги рус кишилардан бири: “Эрингизга кўрпа, ёстик, чойшаб беринг”, деди. Иссиқ кийим-кечаклар ҳам сўрашганида юрагим орқага тортиб кетди. Шу билан домлани олиб чиқиб кетдилар.

Совуқ тушди, киши кирди, домла қамокда ётганлари ҳақида хабар олдик. Қамоқхона ҳозирги Мағбўтчилар кўчасидаги газета-журналлар редакциялари жойлашган бинода эди. Мен қамокқа овқат олиб бораман, навбатда тураман. Инқилоб хизбони яқинидаги Ўрта Осиё Давлат университети шундоққина ёнгинимизда эмасми, кетаётган талабаларим менга салиб бериб ўтишди. Менинг нега бу ерда турганимни улар, албатта, яхши билишарди”.

Анчич хавёллар билан ойлار кетидан йиллар ўтди. Улар — Наби Алимхўжаев, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло, Шухрат, Ҳамид Сулаймон, Маҳмуд Муродов ва Мели Жўраев Ўзбекистон ССР Жўнаёт кодексининг 66- ва 67-қисми бўйича жўнаётда айбланиб, йигирма беш йиллик қамоқ жазосига тортилдилар. Уларнинг барчаларини айбонмага имзо чекишга мажбур этишган. Фақат Ҳамид Сулаймон ўз айбини рад этди. 1953 йилгача...

Эътиборингизга Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат хавфсизлиги министри, генерал-лейтенант Дроздецкий имзоси билан 1951 йилнинг 21 июнь кўни тасдиқланган, бугунги кунда оила архивига сақланаётган афвоқ хулосасини тақдим этамиз. Йилгирим бир арабдан ташил топган айблов хулосасида Ҳамид Сулаймон ҳақида қуйидаги маълумотлар бор: “Ҳамид Сулаймон — “Миллий Иттиҳод” контрреволюцион ташкилотининг сургун қилинган қатнашчиси ўғли.

Узининг советларга қарши гоъялари билан 1937 йилгача буржуа миллатчилари Отажон Хошимов, Нури Алимов ва Хўсанхўжаевлар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Шунингдек, Сулаймонов 1937 йилгача Тошкент педагогика институтига фаолият юритган анти-совет миллатчилари ташкилотга қатнашчиси сифатида буржуа миллатчи Ином Мирзаевага топириқлар бериб турган. Улуг Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда Х.Сулаймонов А.Алимхўжаевдор билан биргаликда қатор суҳбатларда партия ва Совет ҳукуматига тўхматлар қилган, совет воқеалиги хусусида бўхтонлар уюштирган. 1942 йилнинг қузида Сулаймонов Алимхўжаевдор билан суҳбатда ўзбек халқи Совет ҳукумати даврида эзилиб ётгани ҳақидаги фикрларни билдирган. Худди шу йиллар Мурод Умаров билан бўлган суҳбатда Сулаймонов ВКП(б) ва Совет ҳукумати сиёсати бўхтонлар қилган ва СССР зиёлилар ҳақида қайғурмаслигини билдирган.

Улуг Ватан урушидан сўнг Сулаймонов А.Алимхўжаевдор билан педагогика институтида ўзбек миллатига мансуб бўлмаган ўқитувчиларни ишдан четлаштирган. 1946 йили М.Умаров билан суҳбатда Сулаймонов Совет Иттифокда яшайдиган меҳнаткашларнинг ҳаёти нихоятда огирлиги, ҳолбуки, капиталистлар мамлакатларда барча шарт-шароитлар инсон учун муҳайё эканлигини айтган. Шунда Сулаймонов совет ҳукуматининг қарточка системасини бекор қилгани ҳақидаги қарорини ёмонлаган.

1947-49 йилларда Сулаймонов Алимхўжаевдор билан бирга ЎзССР Маориф Вазирлигининг олий ўқув юртлари ўзбек гуруҳларида рус ва хорижий адабиёт дарсларини ўзбек тилидан рус тилига қўчириш ҳақидаги қарорига қарши чиққан. Қўйилган айбларга Сулаймонов ўзини айбдор деб ҳисобламайди”.

1953 йили Ҳамид Сулаймон Сибирга жўнатилади. Эндигина ўттиз ёшдан ошган, “ўқийман, ишлайман” деб юрган зиёли аёлниң озғи ошга етганида ўз берган бу воқеа унинг қаддини қушиб қўйди. Адолатсизлик суяк-суягидан ўқиб кетгандан тўнлари азоб билан тўлғонар, эрига нисбатан юз бераётган ҳақсизлик кўнгида тубуси исёнга айланганди. У Ленинграддан Тошкентга келаётганларида уларга поездда ҳамроҳлик қилган — ДМХХ раҳбари Баскаков хузурига бош уриб борди, лекин масала шу қадар жиддийлиги сабаби бу одам ҳам оилага зарарча ҳам қўмак бера олмади. Шундан сўнг Тўхтахан ая билан бирга Москвага, Совет ҳукумати раҳбарлари — Н.С.Хрушчев, В.М.Молотов, К.Е.Ворошиловлар номига ариза жўнатди.

Тошкент шаҳрининг Паровозна кўчаси, 12-уйда

яшайдиган Тўхта Сулаймонова фарзанди — 1910 йилда туғилган, 1946 йилдан буён КПСС аъзоси, филология фанлари номзоди Ҳамид Сулаймон устидан қўйилган айблов ҳақида аччиқ изтироблар билан ариза ёзаркан, ўғлини давлат хоини сифатида айблаб, ёлғон кўрсатмалар берган шахслар ҳақида объектив ва ишонарли хулосаларни келтирди. Ушбу аризани ўқиган одам бу жараёнларда иштирок этган одамларни ҳаёлан кўз ўнгига келтирмоқчи бўлади. Ҳолбуки, одамлар эмас, давр мунофиқ эди. Ҳар қандай зўравонлик кўрсатиб бўлса-да, одамлардан керак бўлганида инсон эмас, балки бўри, тулки, айғир ясай оладиган, уларни бир-бирига қарши қўйишга нихоятда устаси фаранг шўро сиёсати ўз душманларини ҳарфини ҳарфга уриштира олмайдиганлар эмас, ўқимишли, зиёли одамлар орасидан излагани алам қилади, албатта.

Ариза опти варақдан иборат. Унга эри ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган, арафада бу тақдирга ўғли муносив қўрилаётган, бундан қалби аччиқ зардобга айланган аёлниң имзоси қўйилган эди. Қанча умид тўқилганди унга. Афсус! Кўп ўтмай Москвадан жаваб хати олдилар. Ярим варақ қўғозда Ҳамид Сулаймон иши қайта қўрилмаслиги, у ҳақиқатан ҳам жўнаётчи эканлиги ҳақида қайд мажбури эди.

Бир қаторгина жаваб...

Фозила Сулаймонова эсдаликларидан:

“1954 йил. Баҳор келди, хабар йўқ. Май ойида гипос пишган пайти Чуна деган шаҳардан хат келди. Бемалоп хат ёзиш мумкинлигини ўйлаб, шунга ҳам хурсанд бўлдик. Домлани Узоқ Шарқнинг энг чекка бурчақларидан — Чуна деган шаҳардаги қамоқхонага юборган эканлар. Бу ер СССРнинг турли бурчақларидан келган маҳбусларнинг жойи экан. Нафақат сиёсий, балки ҳар хил ўғрилиқ, талончилик билан қамалганлар ҳам бор экан. Турсунбой деган ўзбек йигит ўзлари билан олиб борган кўраларини қўриб, йиғлаб юборибди. Дарров домла кўрпанинғ ярмини пичоқ билан унга кесиб берибдилар”.

Ҳамид Сулаймоннинг зиёли, нозиктаъб инсон экани ҳам бу ерларда умуман инобатга олинмади. Унинг қўлига берқурак ва замбил бердилар. Адабиётшунос олим гўрқовга айланди. Совуқ об-ҳаво, таъминотнинг ҳаддан зиёд ёмонлиги, озик-овқат етишмаслигидан ҳаётда одамлар вафот этишар, уларни маҳбуслар ўрмонга олиб бориб устма-уст тахлаб келаверишар, мурдалар сони бирон юзтага етганди. Ҳамид Сулаймонни уларни қўмишга юборишарди. Гўрков аввал олов ёқиб, қор эритар, кейин музлаб ётган ерни минг азоб билан қовлаб, одамларни қўмарди. У — инсон бўлиб туғилиб, инсондек яшаш ва ўлиш насиб этмаган, қадр топмаган — дини, миллати турлича бўлган бу шўрликларни мусофир тўпроққа жойларкан, ҳеч бир урф-одатсиз устма-уст кўмиб тўпроқ тортаётганидан қаттиқ азоб чекар, йиғлар: “Ҳэй, парвардигор, сенга нима ёмонлик қилган эдимки, мени шу ахлолга солдинг?” деб худого илтижо қиларди. Қўнлардан бир кўни Ҳамид Сулаймон ишдан қайтган, таҳорат олиб, намоз ўқиди ва уйкуга ётди. Тўш қурди. Тўшима бир гўзал боғ эмиш, гуллар қилган, булбуллар сайраган. Ҳазрат Навоий боғ ичида турганмишлар... Төрлаб-пишиб уйқудан уйғонди, сўнг эртасига кун бўйи бу тушини магзини ўйлаб кетди. “Ахир мен ўз миллатим адабиёти, маданияти қолиб, ўзгаларнинг адабиёти билан шуғулланмадимми?” деб афсус чекди. Сўнг: “Агар шу дўзахлар қулфатидан эсон-омон чиқсам, умримнинг қолган қисмини Навоийни ўра-нишга бағишлайман”, деб ўзига-ўзи сўз берди.

Фозила Сулаймонова хотираларидан:

“1953 йил. Сталин ўлди. Берия отилди. Домлага ўхшаганларнинг ҳаммаси Бериянинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида экан. Мен назиятни ана шу таразда баҳоладим ва ойим билан маслаҳатлашиб, Москвага жўнайдиган бўлдим. Москвага бориб, Пушкин кўчасида жойлашган Давлат Хавфсизлик хизматига кирдим. Эримнинг тақдирини, унинг ноҳақ қамалгани ҳақида ташкилотдагиларга маълум қилдим. “Сизга ўхшаганлар жуда кўп, навбатга туринг. Миллион-миллион одамлар қамалган, бизга мурожаат қилаётганларнинг орти кўринмайди. Навбатга ёзилган-да, кутинг”, дейишди. Москвада ҳеч қимим йўқ эди, Ленинградда, ҳар қалай, танишларим бор, ўша ёққа жўнаганимни айтиб, уларга қўнғироқ қиладиган бўлдим. Ленинградга кетдим. Қўнора Москвага телефон қиламан. Бир ойча вақт ўтган, “Ўртоқ Сулаймонова, навбатингиз етди. Эртанга сизни қабул қиламиз”, дейишди. Узин қоридор, одамлар ступда ўтириб навбат кутиб ўтиришибди. Ҳаммаларининг кўзлари ичига тушиб кетган, ҳорғин, ҳаётдан эзилиб кетган одамлар. Бир одам кириб кетади, уни соатлаб кутамиз, иккинчиси кириб кетади, яна шунча. Мен бир неча кундан буён оқиб азобини тортиб, сув ҳам тотмаганман, бир маҳал ўзимдан кетиб қолибман. Дарров сув ичириб, ҳушимга келтиришди. Деворга суюб қўйишди. Бук-чайиб кутганман. Анча вақт ўтган, “Киринг, навбатингиз етди”, деб ичкарига чақирдиши. Хохлов деган одам ўтирган экан. Жуда яхши одам экан. Ўрнидан туриб, ёнимга келди: “Синглим, сизнинг ҳужжатларингизни ўқидим. Эрингиз Ҳамид Сулаймон айбсиз экан”, деди. Кўзларини ярқ этиб очилиб кетди. Йиғлаб юбордим. Лекин ўрнимдан туролмаганман. “Тез ёрдам”да олиб кетишган.

Жигарларим бу азоблардан эзилиб кетган экан.

Йигирма етти йил азоб чекдим...”

1955 йили Ҳамид Сулаймон дарахтга чиқиб варрагани олиб тушаётганда, бир пайт ашиқ очилиб, дадаси кириб келди. Эгннда фуфайка. Бола аввал анграйиб турди, кўзларига ишонмади. Сўнг дарахтдан сакраб тушди. “Дада, дадажон!” деб отасининг бўйнига осилди. Ота-бола бир-бирларини қўйиб юборишмасди. Ўғлининг биринчи бўлиб сўраган саволи қуйидагича бўлди:

— Дада, сизни қўйиб юборишдимми? — деди у.

— Ҳа, — деган жавобни эшитди отасидан, — Энди озодам, ўғлим, энди доим биргамиз. Ойинг қани? Бу-винг, Рустамжон...

Уй дарров одамга тўлиб кетди.

Ҳамма Ҳамид Сулаймонни қўчоқлар: одамлар йиғлаб қулардилар, қулиб йиғлардилар.

Фозила Сулаймонова хотираларидан:

“Қамондан сариқ касалини қўтириб келган эканлар. Узоқ даволатди. Яхши бўлдилар. Роса бир ой меҳмон кутдик, шогирдлари тўда-тўда бўлиб келишди. Келди-кетдилардан бўшаб, домла энди ишга тушай дегандиклар, лекин “халқ душмани” деб ҳеч қим уларни ишга олмади. Ноилжонликдан ўйлай-ўйлай, Москвага кетдилар... Москвада Евгений Эдуардович Бертельс билан учрашиб, илмий иш учун Навоийдан мавзу олиб келдилар.

Мен шу пайтгача катта оиладаги ягона боқувчи

эдим. Домла қайтган эса дарсларимни қамайтириб

САРЧАШМА

Ўзбек адабиётшунослигида филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққул номи алоҳида ўрин тутади. У бир умр Навоий ва Бобур сингари улуғ зотларнинг асарларини халқимизга тарғиб-ташвиқ қилди, у зотлар яратган ҳикматлар мағзини қақишда кекса-ю ёшга сабоқ берди.

Дарҳақиқат, Иброҳим Ҳаққулчалик сермахсул ва кўп китоб яратган адабиётшунослар саноклидир. Унинг “Ўзбек адабиётида рубоий”, “Занжирбанд шер қошида”, “Тасаввуф ва шеърият”, “Қамол эт, касбим”, “Увайсий шеърияти”, “Бадиий сўз шукуҳи”, “Навоийга қайтиш” сингари ийгирмадан ортик китоблари нашр этилган. Бу асарлар ҳамisha адабиёт муҳиблари томонидан севиб мутолаа қилинади.

“Адабиёт ўлмайди!” дея бонг урган эди машҳур адиблардан бири. Чиндан ҳам ҳақиқий ижодкорлар, улар битган сермазмун асарлар, шу жумладан, ҳақиқий олимлар ёзган китоблар, айтган сўзлар ҳам ўлмайди. Чунки ҳамisha тирик, барҳаёт фикрлар мангуликка дахлдор бўлади.

Таниқли журналист, адиба Амина Қодированинг ҳассос олим Иброҳим Ҳаққул билан куйидаги суҳбати шу вақтгача матбуотда тўлалигича эълон қилинмаган. Гарчи бугун адабиётшунос олимнинг ўзи ҳаёт бўлмаса-да, у киши томонидан айтилган фикрлар жуда долзарб, муҳим аҳамиятга моликдир. Шу боисдан ҳам Иброҳим Ҳаққул билан Бобур Мирзо ижоди, унинг гўзал, баркамол таълимоти ҳақида қилинган мулоқотни эълон қилишни жоиз деб билдик.



“ЎЗУНГНИ ШОД TUTГИЛ, ҒАМ ЕМА ДУНЁ УЧУН ЗИНҲОР...”

Атоқли навоийшунос олим, зукко мунаққид, филология фанлари доктори
Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан мулоқот

— Иброҳим ака, Бобур ҳақидаги бир мақолангизда “Бобур биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юлдуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идроки-мизнинг ёришувига хизмат қилади. Бундан қарийб беш аср муқаддам шундай бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади”, деб ёзгансиз. Айтинг-чи, Бобурнинг буюклиги шохли-гидами ёки шоирлигида?

— Дунёда Мирзо Бобурга ўхшаш шох ва салтанат соҳиблари кўп бўлган. Лекин улар орасида айнан Бобурга ўхшайдиганлари йўқ. Шунингдек, тарихда шоирлик билан машғул бўлган ҳукмдорлар кам эди дейсизми? Улар орасида диди, савия, завқ ва истеъдод эътибори ила “Бобурга тенглашадиганларини топиш қийиндир. Демак, Бобурнинг буюклиги, энг аввало, бетақдор ва беназир шахсиятида. Биласизки, Оллоҳ инсонни фақат бахтсизлик, мусибат ва қийинчиликлар билан эмас, истеъдод ва бахт бериб ҳам, тахт бериб ҳам синайди. Бу синовлардан омон-эсон ўтиш, ҳаётий ва илоҳий имтиҳонлар чоғида мардона қад ростлаб, ҳақиқат, тўғрилиқ, шижоат йўлидан адашмаслик, бу — ниҳоятда оғир ва қийноқли иш. Ҳамма ҳам бардош беролмайди бунга. Барчанинг ҳам куч ва журъати етавермайди бунга. Шунинг учун бировлар тақдиринг илк зарбасидаёқ ишонч-эътиқодидан йироқлашади. Қўруқ ва ноҳорлик айримларнинг шахсини синдириб, парчалаб ташлайди. Кимлардир “Замон сенга боқ-маса, сен замонга боқ” қабилида иш қўриб, иккиюз-ламачилиқ, риёкорлик билан “зафар”га эришиш “усули”ни танлайди ва ҳоказо.

“Тангри таолонинг инояти билан ва Ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва ҳаҷорёри бо-сафоларнинг ҳиммати билан сешанба кўни рамазон ойининг бешида саккиз юз тўксон тўқизда Фаргона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”, — дейди Бобур. Ўн икки ёшда подшоҳ бўлишни тасаввур этиш мумкин. Лекин омонсиз давр кўнчалари ўн икки ёшли тахт соҳибининг бошига ёғилиб келиши, замон унинг жангу жадаллар, қонли курашлар, хиёнат, жиноят ва мағлулбиги гирдобига ташлаши, узлусиз равишда нотинчлик, меҳнат-машаққат ва бир-биридан оғир, бири иккинчисидан қалтис хавф-хатарларга юзма-юз этиши — бунга ҳайлдан ўтказиш, қабул қилиш қийин, албатта. Бобур:

*Даврон мени ўтқарди сару сомондин,
Айирди бир ўйла мени хонумондин,
Ғаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимга келмади даврондин, —* деганида мутлақо ҳақ эди. Бобур улуг ақл, метиндай мустаҳкам ирода, ниҳоятда ўткир ва мунаввар фаросат соҳиби эди. У тангрининг инояти, ҳазрат Расулulloҳнинг шафоатига ҳамisha ишонган. Аммо даҳр ва даврон унинг руҳини эзиб, жонини чиғирикдан ўтказган онларда тахт даъвосидан кечинши, бошини олиб бирор ёқларга кетишини, ҳатто ўлимини сўнгги нажот деб ўйлаган. Бобур бу хусусдаги фикр ва туйғуларини ҳам асарларида очик-ойдин изҳор этади. Яъни томтирларида жаҳонгирлик қони гупурган Мирзо Бобур ҳеч вақт ўзини енгилмас, мард, жасур қиёфада қўр-сатҳига уринмайди. Доимо борни — бор, йўқни — йўқ, оқни — оқ, қорани — қора дейди. Унинг мана бу фикр-ларига диққат қилинг:

*Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўрагисиз уйқуда.
Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жанува жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.
Ўзунгни шод туткил, ғам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсуда...*

Албатта, булар жангу жадал, ранжу риёзат, ғавгою надоматдан безган ва хаёлий бир осудликка мутож кўнгулнинг гаплари. Айни пайтда унинг ўлимини хотирлаб, тириклик қувончини олқишлаши, дунё ҳақидаги орифона ҳукмига қайилиб қоласиз. Бобур деярли ҳеч бир масалага тор қараймайди. Уни ўзининг майл ва манфаатига мослаб ҳал қилмайди. Уни ахлоқий-диний, маърифий-ҳуқуқий асосларидан ажратмайди.

Хуллас, шахси фазилатларга бой, эътиқод бут, элпарвар, ҳаётсевар ва маърифатли бир ҳукмдор бўлса, Бобурдай бўлади. Бир қўлда қилич, бир қўлда қалам ушлаб ёвузлик, разолат, тубанлик, жаҳолат ва хиёнатга қарши борган алп бир курашчи бўлса, Бобур қадар бўлар.

*Қўнели тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмасо оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.*

— Бу оламда ҳар бир нарсаси сир-синаотга тўла. Уни англаб етмоқ учун инсонда ақл, тафаккур, билим билан бирга кўнгул кўзи ҳам очик бўлмоғи керак. “Гўнаҳдеқ кўнгулм манинг...” деб фигон чеккан Мирзо Бобур ижодини ёритиб турган шуъла унинг дилбар қалби — минг бор синса-да, яна қалқиб чиққан қуёшдек порлоқ кўнгул эмасми?

— Шеърият — бошқа олам, сийсат — бошқа олам. Шоирлик — бошқа бир ҳунар, шохлик — мутлақо бошқа бир фаолият. Салтанат йўли... ақл, тадбир, ҳуқуқ, қонун, ҳукмронлик йўли. Шеърият йўли — руҳ, кўнгул, тахайюл, нафосат ва гўзаллик йўли. Шеърият онг

қашшоқлиги, қалб дарди, руҳоний саёзлик, тафаккур равнақиға чора ахтаради. Сийсатни эса ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий муаммолар кўпроқ қизиқтиради. Сийсатчининг тили — ақл ва мантиқ тили, шоирнинг тили — кўнгул ва туйғу, нафосат ва гўзаллик тили. Шунинг учун шоирнинг ақли ҳам, мантиқий мулоҳазалари ҳам эстетик мушоҳада ёки идрокка албатта бўйсунмайди. Акс тарзда образли тасвир тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ана шу сабабларга кўра ҳам шоирлиқни шохлик билан, шохлиқни шоирлик билан бирлаштириш жуда мушкулдир. Тўғри, Шарқда шеър ёзган, шоир сифатида тарихда эъ қолдирган подшоҳлар бисёр бўлган. Аммо уларнинг кўпчилигида шоирлик мақоми ҳукмдорлик мавқеидан паст туради. Бобурда бундай эмас. Бобурнинг шохлиги на истеъдоди, на ижодий қиёфасига соя ташлолмайди. Аксинча, ҳукмдорлигини илмий-ижодий, фикрий-маърифий фазилатлар бойитади. Бобур подшоҳлик билан шоирлик рост келавермаслигини яхши билган. Бобур ўз мемуарида зоҳирий сафар, саргузашт ва курашларини баён этган. Шеърларида эса у кўнгул ва руҳ саёҳатига дахлдор маъно ҳамда туйғуларни тасвирлаб беради. Чиндан ҳам кўнгул Бобур маънавий ҳаётининг энг сўнамсиз, энг қўрқам воқеийси эрур...

— Тасаввуф гўзал ахлоқ ва руҳий баркамоллик таълимоти. Шу билан бирга қалбни қувватлантириб, кўнгулни губорлардан тозаллаб, латифлаштирувчи тажрибадир. Бобурнинг тасаввуф дунёси билан алоқаси борми, бўлса у қай даражада? Орифлик Бобур шеъриятининг жозибасини ёки тасаввуфий завқ ҳосиласими?

— Ҳақиқатан, тасаввуф гўзал ахлоқ, руҳий баркамоллик таълимоти. Тасаввуфда Оллоҳ ва инсон муносабати, қомиллик ва илоҳий бирлиikka эришиш муаммолари асосан Ишқ ва Кўнгул сирларини очиш йўли билан ҳал қилиб берилади. Бу сирлар шу даражада нафис, жозибали ва теранки, бефарқ қолишининг илоҳи ҳам, имкони ҳам йўқ. Тасаввуфий ҳаёт — кўнгул ҳаёти. Бу ҳаётнинг замини маърифат, самоси руҳоният, қуёши ишқ, моҳияти шариқдир. Ошиқлик, биринчи навбатда, гўзаллик тасарруфидоғи ҳол соҳиби бўлиш деганидир. Шунинг учун тасаввуф илми “илми ҳол” ҳам дейилган. Ишқдан тугилган, маърифат ва ҳақиқат кучоғида парвариш топган, дард ва изтироб оташидега тобланган ҳол қамолини бир тасаввур этинг! Аниқ ишонаманки, дунёнинг бирор-бир кўполлиги, саёзлиги, ёвузлик ва чиркинлигини қабул қилолмайсиз. Ҳол завқи руҳни қувватлантиради. Руҳ нима қилади? Ишқ ва гўзаллик, меҳр ва эзгуликка “мулозим” бўлишга ярамайди деганидан барча ҳис, барча нафсоний майл ва эҳтирослардан кечинши талаб этади. Бу ҳақда ўйлаганда Бобурнинг муножот оҳангида битилган бир рубоийни беихтиёр ёдга келди:

*Рухм уяртиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анағ танни ҳамроҳ офат бирла,
Рухумни чу тант эзига келтурдинг пок,
Мундин бори элпани касофат бирла.*

Дарҳақиқат, руҳнинг вужуддаги ҳамроҳи бир офат бўлиб, у нафсу ҳаводур. Руҳ латифлигини нафс касофатидан муҳофиза айлашга уриниш тасаввуфий ҳаёт тажрибасидан баҳс юритишининг айни ўзи ҳисобланади.

Бобур — ориф шоир. Унинг маърифати ҳаммадан аввал одамани ва одамиятни тушунишга қаратилган. Унингча, одамни англаш — одамнинг дарди, ҳоли ва қадрини англашдир:

*Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.
Мендин неча кўнгулда губори бўлғай,
Кетдим муна эмди толмагай гардимни.*

Бундай самимий, табиий ва ҳикматли мисрлар ўқувчини китобий, сўнгий, ялтироқ ва баландпарвоз сўзлардан тўқилган шеърларга қайрилиб ҳам қарамаслиikka ўргатади. Бу ҳам жуда муҳим, албатта.

— Бобур рубоийлари билан адабиётимизда янги саҳифа очди. Ойбек “Бобур рубоийлари шоир поэзиясининг чўққисидир”, деганда нимани назарда тутганди? Умуман, Бобур рубоёитидаги гоъвий-бадиий ўзига ҳослик нималарда яққол кўзга ташланади?

— Дунё-ку на ғам, на эъзозга арзимас экан, арзирлиси нима? Бобурнинг дилбар шеъриятидаги ғазал ва рубоийларнинг ҳар бири гўё мана шу саволга бир жавобдир. У ақли жаҳондан яхшилик кутмайди. Замондан яхшилик чиқмаслигини билади. Бирок яхшиликнинг шарофати ва истиқболига ишончдан чекинмайди, чекиммаслик зарурилигини ҳам таъкидлайди:

*Бори элга яхшилиқ қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аор қолди фалондин яхшилиқ.*

Бобур Шарқ шеъриятининг қадимий жанри бўлмиш рубоийнинг маъно олами, руҳи ва оҳанглигини янгилай олган эди. У рубоий шаклининг имконияти ва талабларига асосланиб ўзбек рубоёитини янги тақдир, янги фикр-қараш, янги-янги образли тасвир ва бадиий бўёқлар билан бойитди. Бобурнинг рубоийлари — унинг дил изҳори, дард, ҳасрат ва армонларининг очик баёни, юрт ҳижрони, давр, замон ва инсон толеи ҳақидаги ишқий, фалсафий, мушоҳадаларининг ҳаққоний ифодасидир. Шу маънода Бобур рубоийларини қанча юқори баҳоласа ҳам арзийди. Бобур рубоий-

лари севилиб ўқилади. Улар тўғридан-тўғри юракка кириб боради. Ақл-идрокни нурлантиради. Ўзингни таниш, мавжуд аҳволингни билишда адашмаслиikka ўргатади. Маънавий-руҳий қувват қайноқларини очади. Ақл-ҳуши, фаҳм-фаросати жойида бўлган ҳар бир ўзбек мана шу учун ҳам шукрона айтишга бурчлидир. Албатта, Бобур рубоийларини ўқиганда буюк бир армон ва соғинч ҳисси дилни ўртади. Ўз майдалигинг, бечоралигиндан қангга қочишни билмай қоласан. Шунда сени ўйлатадиган, суяйдиган қадрдон сўзлар хотирага келади:

*Не чора қилай, нетайки, тенгери гўё,
Меҳнатни менга ёр этпти, меҳнатқа мени...*

— Тарих инсон учун руҳий қувват бўлиши билан бирга катта сабоқ мактаби ҳамдир. Айтинг-чи, биз “Бобурнома”ни фақат мозийда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан сабоқ чиқариш учун ўрганишимиз керакми ёки унинг бошқа муҳим сабаблари ҳам борми?

— “Бобурнома” — бошдан-охир ҳаёт китоби, реал ҳаётда кечган, лекин маъно-мазмунни беҳад хилма-хил воқеа-ҳодисалар тасвирланган қомусий китобдир. Унинг қомусий характери муаллифининг қомусий иқтидори ва салоҳиятидан юзага чиққан. Айни пайтда, “Бобурнома” Шахснинг тарихдаги роли, ўзига хос хизмати, кураш йўли, маслак ва матонатини кўрсатуви ибратли асар ҳисобланади. Ундаги марказий қаҳрамон, албатта, Мирзо Бобур. Шунинг учун ўн икки ёшида Фаргона тахтига чиққан ўспирин шаҳзодаонинг шахс сифатидаги шаклланиши, мустақил ва мустаҳкам бир давлат бунёд этиш мақсадидоғи амаллари ва подшоҳлик тақдирини ўқувчи қизиқиш билан кузатиб, янада кучлироқ қизиқиш ила билиб, мушоҳададан ўтказиб боради. У қузатган, билган, ёқлаган ёки инкор айлаган воқеа-ҳодиса ва маълумотларнинг айтарли барчаси, энг аввало, Бобурнинг қимлиги, инсоний моҳиятининг туб асосланганини чуқур англашга хизмат қилади. Бунда Бобур характеридаги очиклик, ҳолислиқ, тўғрилиқ ва жаҳонмардликнинг жозибаси қувватини эсга олмаслиқнинг илоҳи йўқ. Муддао янада равшанлаштириш учун бир мисол келтирмақчиман. Абдулла Қодирий “Ўткан кўнлар” романида Отабекнинг “Бобурнома”ни ўқиши ҳақида сўзлайди. Нега бошқа бир асар эмас, айнан “Бобурнома” танланган? Биринчидан, қай бир зайдла Бобур ва Отабек қисматдош. Бобур тожу тахт учун жангу жадал қилса, Отабек бахт учун олишади. Бобурга қарши сийсёий адоват ва душманлик қилич кўтарган бўлса, Отабек игво, фитна, ҳасад бандаларининг пичоғига қўқсини қалдон қилган ва ҳоказо. Отабек фитна, адоват боис ўлимга ҳукм этилганда ҳам таҳликага тушмайди, қўрқиб-қақшамасдан хон ҳузурида “Ҳақсиз жазо” дея эътироз билдиради. Энди айтинг, Отабекнинг сийратига қўрқоқлик, номардлик мудраб ётганида ёки “айбдор” сифатида хон қаршисида титраб-қақшаб ўзгача ахволга тушганида, унинг “Бобурнома”ни ўқиши оқармиди ўзини? Мутлақо оқламади. Демократикани, кечмиш тарихини, адабиёт, илм-фан, маданиятимизни билиш учун “Бобурнома”ни ўқиб-ўрганиш зарур. Лекин борлигимизни бир-биридан увоқ, бир-биридан ўткинчи майлар таъкиб этиб турса, ҳурлик ва ростлиқни шарафлаб, ёлгон ва мутелиқдан хижолат чекмасак, ичимизда номардлик, сотқинлик, хашакилик туйғулари яшнаб турса-ю, Бобурнинг жасорат ва жаҳонмардлигини мадҳ айласак — бундай ҳолатда “Бобурнома”даги бош моҳият, бош ҳақиқат, маънавий-руҳий қудрат сир-асорини кашф этолмай, чайнашдан нари беролмаймиз. “Бобурнома”га ўхшаш китобларни мутолаа қилганда, “Қандай ўқиш керак?” деган саволга асосланиш камлик қилади. Бунга “Мун бўлиб ва нимани кўзлаб ўқиш керак?” деган савол ҳам қўшилмоғи лозим, албатта.

— Бобур қалбиде армонларга қоршиқ Ватан яшаган. Шу боис унинг қайғусида киши ўз қайғусини, унинг қалбиде ўз қалбини кўради. Бобурни ўқиганинг сайин Шатан — Ўзбекистон меҳри юрагингни иситади. Шоирнинг тажриба-ю сабоқлари йўлнинг ёритади. Оддий бир гиёҳ ҳақида ёзганда ҳам Ватан сийрати ва сурати акс этади. Унинг асарларида шаклни мазмундан ажратиб бўлмайди. Адабиётшунос олим сифатида Бобур ижодини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлардан кўнгулнингиз тўладими?

— Фанимизда навоийшунослик сингари бобурушунослик деган мустақил тармоқ бор. Бу бир-икки кишининг меҳнати билан юзага келган бир илм тармоғи эмас. Унга жуда кўп олимларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишган. Бу ўринда барча бобурушуносларимизнинг исм-шарифлари ва тадқиқотларини номма-ном санашнинг имкони йўқ. Лекин Бобурнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган тадқиқотларнинг аксариятини мен қадрлайман. Маълумки, шуро замонида Бобур ҳақида ҳамма гапни беамалол очик-ойдин айтиш ва ёзишининг илоҳи йўқ эди. Ҳозир сийсёий тўсиқ ва назоратлар барҳам топди. Демак, илм майдонини эркин. Шунинг учун юксак савия, фидоийлик билан янги-янги тадқиқотларга қўл уриш зарур. Чунки Бобурнинг илмий ва адабий мероси маданиятимиз, маънавияти-миз, маърифатимизнинг бебаҳо хазинаси эрур.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА.

ИФТИХОР

СОҒИНИБ...

Сўз кетса Андижондан суҳбат ичинда Бобур, Соғинч турди умрининг эрта-кечинда Бобур. Довотга тушди оташ кучоқлаб шеър угазал, Юрт париваш чехра-ю, ошиқ жунунда Бобур. Панди бўлди бу жоннинг “бори элга яхшилик”, Ёмонлик дайри бисёр йўқдир ҳеч, унда Бобур. Воқеотлар жамланиб, “Бобурнома” бўлдилар, Тавсифларда ҳолислиқ, рост очкич унда Бобур. Муҳаббат топ, юртни сев, Замира, ибрат олгил, Ишқсизни дўст тутмади азал очунда Бобур.

Замира РЎЗИЕВА,
Халқаро Бобур муқофоти соҳибаси.

ШОИР ДАРДИ

Бошлаб келди бу ёқларга оёқларим,
Қайтиб она тупроғимга кетолмадим.
Фарғонада қолмиш дўсту ўртоқларим,
Қайтиб улар висолигга етолмадим,
Амударё, сувларингдан ўтолмадим...

Қорлар эрир, бу дарёлар оқар тошиб,
Кетгим келар она юртга тоғлар ошиб,
Лекин душман йўлим тўсгай доим шошиб,
Она диёр, висолингга етолмайман,
Амударё, сувларингдан ўтолмайман...

Душманларнинг қўли узун замон бўлди,
Она юртим ёв қўлида замон бўлди,
Ташлаб чиқдим — бу ишим кўп ёмон бўлди,
Қайтиб энди у ёқларга етолмайман,
Амударё, сувларингдан ўтолмайман.

Вафо қилмай жафо қилди дўсту ёрим,
Ҳинд-афғонга бошлаб келди номус, орим,
Қайтмоқ учун гарчи кўпдир ихтиёрим,
Лекин ортга қайтолмайман, кетолмайман,
Амударё, сувларингдан ўтолмайман...

Абдулхай СОБИРОВ

ТААССУРОТ

ТЕАТР — ИБРАТХОНА ЭКАН...

Ҳар гал “театрга тушаман” деб режа қилардим-у, қандайдир ташвишлар билан қалғиб қолардим. Аммо бу сафар қатъий қарорга келдим: “Албатта, театрға бораман”. Буни қарангки, шу кўни Ўзбек миллий академик драма театрида “Чўлпон” спектакли намойиш қилинаётган экан. Талаба эмасманим, дарров ҳаёминимга қанча пул борлигини ҳисоблашга тушдим. “Бугун театрға сарфласам, эртага тирикчилигим қандай ўтади?” деган ҳавотир бўлса-да, барибир театрға қизиқишим устунлик қилиб, чипта харид қилдим.

Ишонасизми, йўқми, илк бор театр остонасини ҳатладим. Спектаклни томоша қилиялман-у, театр ҳақидаги жўнгина фикрларим буткул ўзгариб кетди. Томошабин сифатида актёрлар билан ёнма-ён бўлиш завқи бошқача бўлар экан. Ўзинг учун севимили бўлиб қолган актёр актрисалар билан юзма-юз қўришиш бахти насиб этса, қувончинг ичинга сиғмай кетар экан. Илк томошадан тугилган ҳайрат, қувонч мутлақо ўзгача бўлди. Тўғриси, олдинроқ театрға келмаганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Боиси, севимили шоирим Чўлпон сиймосини актёрлар тимсолида қўришга муваффақ бўлдим.

Қайтаётганимда йўл-йўлакай гўшаки қўлимдан қўймай, таассуротларимни тўлиб-тошиб онамга гапириб бердим, ҳайратимни яширолмасдим.

— Она, мен бугун ўқишдан чиқиб, театрға тушдим. Аҳойиб спектакль кўрдим. Маданий ҳордиқ чиқардим, маънавий озуқа олдим. Ҳар кўни телефонга термилиб, мўлтираб ўтирардим. Мобиль воситадаги томошани театр томошасига алмаштирдим. Вақтим қандай бесамар ўтаётганини, бекорчи бўлиб қолганимни, бекорчилик дангасаликка, дангасалиқ боқимандаликка олиб кетаётганини сездим. Ўзгариш учун катта имкон бу, оянажон. Театрнинг жонкуяр фидоийлиги, юксак закоси, сертабассум табияти билан мени ўзига ошно этган аёл, иқтидорли санъаткор — Дилноза Кубаевани учратдим ва суҳбатлашдим. Дилноза опа Чўлпоннинг рафиқаси Солиҳа роли талқинида саҳнага чиқди. Том маънода шу образда яшадилар, деса-м, ҳеч муволага эмас. Улар мени театр ҳаётини кенгроқ тарғиб қилишга чақирди. Миллат зиёлиларини халқимиз онги-шуурига синдириш бизнинг жаҳидлар олдидаги бурчимиз, қаризмиз эканлигини таъкидладилар.

— Қизим, сенинг бир олам шавқингдан мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Сен биздан олисдасан, ўзингни эҳтиёт қил. “Театр — ибратхона” деб бежиз айтишмаган. Бу ишингдан мамнун бўлдим. Энди сен мақола қилиб ёз ана шу кечинмаларингни. Хайрлашаётиб: “Пўлинг борми, қийналиб қолмадингми?” — деб сўрайдилар онам ҳазин товуш билан. Ҳа, Чўлпон ҳаёти ҳақида сўзлаганларим онамни ҳам қувонтирганганим пайқадим. Волидадан муҳтарамам мени ёзишга ундагани эса энг яхши тақдиф ва маслаҳат эди.

Ҳамид Олимжон, Усмон Носир,



Чўлпон роллари билан халқимиз назарига тушган, эл ардоғидаги маҳоратли актёр, “Шухрат” медали соҳиби Ҳамза Ҳасанов таассуротларини янада бойитди:

— Тарихий образда чиқиш ҳамма ҳам насиб этавермайдиган бахт. Театр актёри ҳар бир чиқишида имтиҳондан ўтади. Кинода, телевидениеда ижронни қайта-қайта суратла олиш мумкин. Театрда эса тескариси. Шунинг учун саҳнанинг машаққати, масъулияти, юки бор. Чўлпон образида миллилатни уйғотишга, ватанпарвар руҳни синдиришга интиламиз. Албатта, бу барчамизнинг миллият зиёлилари олдидаги мажбуриятимиз деб биламан. Чўлпон орзу қилган, жони фидо бўлган мустақиллик замонидеда ғафлатда яшаш ярашқили иш эмас, деб ўйлайман. Ўйнаган ролимиз орқали томошабин нимадир олиб, хулоса чиқарса, биз ўзимизнинг йутуғимиз, эътироғимиз деб биламиз бундай шарафни.

Актёр Ҳамза Ҳасанов эрқларвар, ҳурфирқ жаҳид ҳаётини қай йўсинда талқин қилди? Чўлпон ҳақ учун, эрк учун курашган, маърифатпарварлик ҳаракати гоъларини асарларида акс эттирган озоодлик қўйчиси эди. Ёниб, яшнаб, гуллаб ижод этган сўз санъаткорини жисман йўқ қилган бўлсалар-да, асло тафаккурини, сўзини қалблардан ўчира олмадилар. Спектакль давомидеда шоир сиймоси актёр Ҳамза Ҳасанов ихросида яна бир бор шуурида шу тарзда ғафдаланди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим асари асосида режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирган “Чўлпон” спектакли мени театрға ёлғиз эттирган озоодлик қўйчиси эди. Ёниб, яшнаб, гуллаб ижод этган сўз санъаткорини жисман йўқ қилган бўлсалар-да, асло тафаккурини, сўзини қалблардан ўчира олмадилар. Спектакль давомидеда шоир сиймоси актёр Ҳамза Ҳасанов ихросида яна бир бор шуурида шу тарзда ғафдаланди.

Улеулларнинг гапи минг қарра рост экан. Чиндан ҳам театр — ибратхона экан. Энди мен “театрда яшайман”...

Мунира РАҲИМОВА,
ЎЗДЖУ талабаси.

ДАСТХАТ



“Бугун Навоий туғилди!”

Абдулла Орипов:

“Мен ҳам эрта тонгда касалхона деразала-рини очиб юбораман ва бутун борлиққа беҳ-тиёр изхори дил қила бошлайман:
— Бугун Навоий туғилди!”

Ҳанифа ая хотираларидан:

“2013 йилнинг қиш фаслини Истанбулда ўт-каздик. 9 февраль — Навоий бобонинг тавал-луд топган кунларида Абдулла ака Туркия дав-лати, Истанбул шаҳри “Само” касалхонасининг жонлантириш бўлимида ётгандилар. “Бу йил На-воийнинг туғилган кунда қатнаша олмаганман” деб жуда безовта бўлдилар. 1968 йил “Навоий” шеърини ёзганлари ҳамон кечагидек эсимда, биз Чилонзор туманида истиқомат қилар эдик.

Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йегирма беш ёш, —
мисралари билан тугайдиган шеърларининг ёзилиш жараёни. Уша йиллардан бери бизнинг хонадонимизда Навоий бобомизнинг таваллуд айёмларини албатта ош қилиб нишонлардик. “Навоий бобомиз жуда нозиктаб, инжиққина бўлганлар-да, бирор марта ҳам шу кунда ҳаво очик бўлмайди: ё қор, ёки ёмғир ёғиб, изгирин бўлади”, дердилар. Жуда кўп мақолалар ёзган-лар. Бирор марта такрор гап айтмас, албатта, бирор-бир янги ташбеҳ топар эдилар.

Касалхонада ҳам ўзлари осма ўқолда ётган бўлсалар-да, менга шу мақолани айтиб туриб ёздирдилар. Юз марта ўчириб, юз марта кўчир-дим. Мақоланинг қораламаси тайёр бўлди. Ни-ҳоят, палатага чиқдик. Анча яхши бўлиб қолди-лар. Кечаси билан мақолани қайта-қайта ишла-дилар. Илҳомжон касалхонанинг компютерерида бир неча мартабала кўчириб чиқди...

Абдулла Орипов:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига!
Ҳурматли раис!
Менинг олисдан юбораётган ушбу макту-бимни навоийхонлик кунларида барчага ўқиб эшиттиришинизни сўрайман.

Ҳазратнинг таваллуд кунларини хориж са-фарида нишонлашимга тўғри келди. Зеро, бу-нинг ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ.

Навоий жаҳон шоирдир ва бўлганда ҳам би-ринчисидир. Менинг назаримда, бу мақом На-воий ҳазратларига абадул абад берилган. Мен ҳамиша ўйлаганимни сўйлашга ҳаракат қилиб келганман. Дейманки, халқимизнинг қайсидир фазилати Парвардигори оламга ёққан эканки, ўз аришдан Навоийдек шоирни бизга туҳфа қи-либ юбормишдир.

Навоий бобомиз ўзларининг бир халққагина эмас, жами туркий элатларга, ахли дунёга ман-сублигини яхши билганлар.

**Агар бир қаём,
Гар юз, йўқса мингдур.
Муайян турк улуси
Худ мениндур.**

Алишер Навоий номини эшитгандаёқ қалби-миз қувонч ва ифтихорга тўлиб кетади. Инчу-нин, у зотнинг туғилган кунларида бу ифти-хорнинг адоғи бўлмас.

Мен ҳам эрта тонгда касалхона деразала-рини очиб юбораман ва бутун борлиққа беҳ-тиёр изхори дил қила бошлайман:

— Бугун Навоий туғилди!

**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қахрамони,
Халқ шоири.
Февраль, 2014 йил. Истанбул.**

(Ушбу битик матбуотда илк бор эълон қилинмоқда)

ЭҲТИРОМ

ТАФАККУР НУРИ ҚАЛБНИ ЁРИТГАНДА...

(Сиёсий фанлар доктори, профессор Тўлқин АЛИМАРДОНОВ ҳақида мухтасар сўз)

Инсон умри бир текис кечмайди. Айниқса, илм йўли янада заҳматли, машаққатли йўлдир. Олимлик йўлига кирганларнинг кўпчилиги бундай машаққатни босиб ўтишларига тўғри келган. Тўлқинжон ҳам ана шундай зиёли инсон, билимли олим.

У билан тасодифий танишувимиз бир умрлик ришталар боғланишига сабаб бўлган. Бекатда автобус кутиб турганимда, олдимга бир автомашина тўхтаб, ундан ёшгина йигит тушди. Тўғри олдимга келиб, “домла, юринг”, деб машинасига таклиф қилди.

Кафедрамиздаги ёш ўқитувчилар ва аспирантлардан у ҳақида эшитгандим: талаб-чан ва яхши ўқитувчи, залворли илмий мақо-лалар эълон қилган, дея таърифлашганди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб, ҳозиргина ас-пирантликдан бўшаш учун ариза ёзганини билдим. Сабаби, у политология бўйича из-ланишни давом эттиришни истаса, илмий раҳбари тарих бўйича илмий иш ёзиш шар-тини қўйибди. Охирида билганим, айна пайт ишсиз, бўш экан.

Шу боис унга бизнинг институтда иш-лашни таклиф қилдим. Бу пайтда мен иш-лаётган факультет Тошкент политехника институтидан ажралиб чиқиб, кимё-техно-логия институтига айланган эди. Тўғри рек-тор қабулига кирдик. Раҳбаримиз Нодирбек Юсуфбеков анча ўйланиб, рози бўлди. Тўл-қинжон билан танишувимиз шу тарзда бош-ланган эди.

У янги жамоага тезда киришиб кетди. Маърузалар ва тadbирларда ўз гоёларини илгари сурадиган ўқитувчига айланди. Ҳам-касблари орасида ўзини кўрсатгани учун би-роз муддат ўтиб, маънавият ишлари бўйича проректор лавозимига тайинланди. Аста-се-кин йўллари ойдин бўлиб, янада юқори ла-возимларда иш олиб борди. Бу орада илмий ишини ҳам институтимизда давом эттирди. Вақти келиб, муносиб ҳимоя қилди.

Унинг чинакам илмий фаолияти шундан кейин бошланди. Ижоди янги поғонага кўта-рилиб, “теша тегмаган” мавзуларда концеп-туал илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар ёзди. Бугунги кунгача 150 га яқин илмий ва публицистик мақолалар, 10 дан ортққ услубий қўлланмалар, 7 та моно-графия тайёрлаб, босмадан чиқарди. 10 дан ортққ шоғирдлар етиштирди. “Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси”, “Сиёсат ва ахлоқ муво-занати”, “Эркинлик руҳи”, “Ўчмас шараф”, “Педагогикада тизимли таҳлил асослари”, “Амир Темур империяси”, “Шароф Раши-дов”, “Сиёсат фалсафаси” каби фундамен-тал асарларида масалага замонавий ёнда-шувни кўриш мумкин.



Муаллифлигида эълон қилинган асар-лар, илмий мақола ва услубий қўлланмалар соҳа мутахассислари, талабалар ва ўқувчи-ларга методологик асос сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Унинг фундаментал илмий тадқиқотла-ридан бири “Амир Темур империяси” асари-дир. Адолат юзасидан айтиш лозимки, Амир Темур шахси, унинг марказлашган бошқа-руви ва ҳокимият тизимининг барқарор иш-лаши тўғрисида кўпгина тарихчилар, етук олимлар ҳам қалам тебратиши жуда мурак-каб масала. Бунинг учун у ҳақида дунёда эълон қилинган илмий тадқиқотларни кўнт билан ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўзи-нинг мустакил фикрини билдириш ҳамда ки-тобхонга борини етказиш зарур. Тўлқинжон мана шу вазифани ортиги билан бажара олди.

Унинг яна бир аjoyиб илмий иши — “Ша-роф Рашидов” монографиясидир. Бундан олдин “Ўчмас шараф” номили биринчи кито-бини ҳам эълон қилган эди.

Шароф Рашидов ҳақида китоб ёзиш жуда мураккаб. Чунки бу инсоннинг шахсияти ҳам мураккаб ва зиддиятли. Тўлқинжон китобни таҳлил ва замонавий ёндашув асосида ёзди. Давлат арбоби, халқимизнинг сеvimли фар-занди сиймосини маҳорат билан гавдалан-тирди. Айна пайтда асарда ўша давр камчи-ликларини ҳам рўйирост кўрсатиб берди.

Ҳар бир халқ ўзига хос раҳбарларни етиштиради, деган гоё китобнинг барча қисмларида очиб берилган. Тўлқинжоннинг фикрича, Шароф Рашидовдек республика етакчиларининг фалсафий гоёларини кўп ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу китоб маъ-лум маънода ана шу заруриятни тўлдирди.

Айтиш мумкинки, у томонидан республи-канинг нуфузли журналларида эълон қилин-ган мақолалар ўқирманларда катта қизиқиш уйғотган. Хусусан, “Ҳақиқатни йўқотган ин-сон”, “Миллат руҳи ёхуд жавобгарлик масъу-лияти”, “Адолат туйғуси надур?”, “Шахс тақ-дири — миллат тақдири”, “Зиёлилик масъ-улияти”, “Оломон жамияти ёхуд маънавий хасталик аломати нимада?”, “Таниш-би-лишчилик иллатми?”, “Таълимнинг миллий фалсафаси”, “Стратегия таълимоти”, “Та-рих фалсафасида тарихий шахс талқини”, “Ижтимоий фанлар интеграцияси”, “Олим-нинг олами”, “Жинойятчи ким?”, “Файласуф-нинг табиати”, “Ватанга муҳаббат туйғуси”, “Қалб исёни” каби бир қатор мақолалари эъ-лон қилинган. Бу мавзуларни кўтариб чиқиш учун, энг аввало, ҳаётни, жамиятни, мамла-катимиз ривожланишидаги ютуқлар билан бирга, мавжуд муаммоларни билиш, улар билан нафас олиш, қолаверса, чуқур тари-хий фалсафий тафаккур ниятда кучли бў-лиши зарур, деб ҳисоблайман. Тўлқин Али-мардоновда ана шу фазилатларнинг бар-часи мужассам.

“Тафаккур” журналида эълон қилинган “Жинойят жазосиз қолмайди” номили мақо-ласи 2025 йилда “энг яхши мақола” деб эъ-тироф этилгани унинг маҳорати ва илмий салоҳиятига берилган навбатдаги муносиб баҳодир.

Кўни кеча Тўлқинжоннинг яна бир китоби “Янги аср авлоди” нашриётида босилиб чиқди. Китобнинг “Ҳақиқатни йўқотган инсон” деб номлангани муаллифининг қалбида зиё-лилиқ дарди ва ички изтироб ётганидан да-лолат беради. Эътиборимни айнан шу ма-қола кўпроқ тортиди. Чунки мақола ниятда мазмунли. Айтиш мумкинки, муаллиф унинг устидан анча бош қотирган ва жуда кўп из-ланган. Шунга асосан, мантиқли ва ўзига хос гоёларни илгари сурган. Шу боис китобхон-нинг тафаккурини уйғотишга ёрдам беради. Ўзи, умуман, қаҳрамонимизнинг ҳар бир ма-қоласини ўқиш янги гоёлар, қарашлар ва та-факкурни уйғотишга ундайди. Албатта, юқо-ридаги фикрларни ривожлантириш, зикр этилган фундаментал асарлар ва мақола-лар ҳақидаги барча фикрларни мазкур мўъ-жаз мақолага সিғдириш имконсиз. Ёзаман десак, катта асарга татиғулик.

Бугун Тўлқинжон 60 ёшга кириб, ўзининг иқтидори, одамлилиги ва олимлик даража-сига етиб келди. Мен таниган, билган ин-сонийлик, забардаст олимлик мақомига кўз тегмасин!

**Саъдулла ОТАМУРАТОВ,
Тошкент кимё-технология институтини
профессори, фалсафа фанлари доктори,
олий таълим аълочиси.**

СПОРТ

ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети талабаларининг ютуқларидан лавҳалар

Урганч давлат университетиде талабаларнинг чуқур билим олишлари, ўзларининг иқтидорларини намён этишлари учун қулайликлар яратилган. Мураббийлар ва талабалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳамда ахиллик ютуқларга дебоба бўлаётир.

Хурсандбек Мамасалаев мазкур олий даргоҳнинг спорт фаолияти, педагогика ва психология факуль-тети талабаси. У ўз тенгдошлари орасида чаққонлиги, жисмонан ба-қувватлиги ва иродалилиги, билимга чанқоқлиги жиҳатдан алоҳида ажра-либ туради.

Олий таълим даргоҳида яратил-ган имкониятлар, қизилқарл машгу-лотлар ва жисмоний фаоллик бо-расидаги машқлар ўз самарасини берди. Хурсандбек Мамасалаев бирга таҳсил олаётган дўстлари билан Андижон шаҳрида катталар ҳамда “U-20” ёшлар ўртасида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатда фаол иштирок этди.

“U-20” ёшлар ўртасидаги мусо-бақада уч ҳатлаб сакраш йўналишида барча рақибларини ортда қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медаль соҳибига айланди.

Мазкур нуфузли мусобақа даво-мида Хурсандбекнинг кўрсатган на-тижаси мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Спортга жуда



қизикадиган талаба энг яқин рақи-бини 1 метр 2 сантиметр фарқ билан ортда қолдирди ва чемпионат-нинг юқори натижаларини қўлга ки-ритди. Хурсандбекнинг маҳорати юксак баҳоланди ва алоҳида эъти-роф этилди.

Бу ғалаба нафақат Хурсандбек-нинг ютуғи, балки у ўқитган Урганч давлат университетиде спортни ри-вожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бора-сида амалга оширилаётган ишлар-нинг ёрқин самарасини намён этди.

Ушбу мусобақада университет-нинг спорт фаолияти, педагогика ва психология факультети талабаси Сардорбек Адамбоев ҳам энгил ат-летика бўйича “U-20” ёшлар ўр-тасидаги Ўзбекистон чемпионати баҳсларида ўзининг ёрқин салоҳия-тини намён этди.

У 60 метр масофага югуриш фи-налида 7,05 сония натижа билан марра чизигини биринчи бўлиб ке-сиб ўтиб, олтин медални қўлга ки-ритди. Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ВОРИСЛАРИ

Жорий йилнинг 25-28 январь кун-лари Бухоро давлат университе-тида талабалар ўртасида “Bukhara International Mathematics Olympiad — 2026 (BIMO — 2026)” халқаро ма-тематика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Ушбу интеллектуал мусобақада Урганч давлат университетининг физика-математика факультети та-лабалари юқори натижаларни қўлга ки-ритиб, Хоразм вилояти шарафини дадил ҳимоя қилдилар.

Олимпиадада университетнинг

математик таҳлил кафедраси ўқи-тувчиси Ж.Абдуллаев ва И.Исмои-лов раҳбарлигида 8 нафар талаба-дан иборат 2 та жамоа иштирок этди.

Якуний таҳлилларга кўра, якка баҳсларда талабалар томонидан жами 7 та медаль — 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медаль қўлга киритилди.

Олий таълим даргоҳининг фи-зика-математика факультети иқти-дорли ёшлари Анварбек Машари-пов, Шерзодбек Саидов, Муслима Давронбекова олтин медаль соҳиб-и бўлдилар.

Мазкур факультетнинг Ҳожиак-бар Собиров, Муштарий Раҳимова каби истеъдодли талабалари ку-муш медалга, Нодира Нурматбаева, Мўътабархон Ҳайитбоевалар эса бронза медалига сазовор бўлишди.

Олий таълим даргоҳининг иқти-дорли ёшларидан бири бўлган Мо-ҳинур Қосимова жамоа шарафини муносиб ҳимоя қилиб, “Энг фалол иштироқчи талаба” номинациясини қўлга киритди.

Ғалабалар ва муваффақиятлар Урганч давлат университетиде ма-тематика соҳасида олиб борилаёт-ган сифатли таълим, замонавий ён-дашувлар ҳамда профессор-ўқитув-чиларнинг самарали меҳнатлари меvasи эканлигини яна бир бор на-моён этди.

**Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА,
журналист.**

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4500
Буюртма — Г-244

1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Й.Маҳмудов, Мусаҳҳиш: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.